

**Р. РАҲМОНОВ
Ф. ФАЙЗИЕВ**

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИДА ТАРИХИЙ ОНГ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРА



**ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2008**

87.77

P 33

Н 1ММ
P 3384



Ҳар қандай даврда ҳам жамият ўз тарихини англашга ҳаракат қилади. Тарихий онг ва тарихий хотира халқ маънавиятининг асосини ташкил этади. Миллий мустақиллик ҳам мамлакатимизда тарихий ўтмишимизга объектив баҳо бериш ва шу орқали ҳаққоний тарихий хотирани тиклаш жараёнини бошлаб берди. Тарихий онг ва тарихий хотира орқали ўзлигини англаётган халқимиз жаҳонда ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда.

Ушбу рисолада тарихий онг ва тарихий хотира тушунчаларининг мазмун-моҳияти уларнинг онг, ижтимоий онг билан узвий алоқадорлиги ҳамда миллий онг тизимидаги ўрнини кўрсатиш орқали очиб берилади. Шу билан бирга ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш босқичлари ва динамикаси таҳлил этилади.

Рисола ижтимоий фан соҳаси билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, аспирантлар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор
М. ҲАСАНОВ, фалсафа фанлари номзоди,
доцент Н. САФАРОВА.



ISBN-978-9943-01-264-6

НО 34918
084

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга кiritиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтгач, жамиятимизнинг ўз тарихий ўтмишини англашга қизиқиши кескин кучайди. Бу ҳол буюк тарихимизнинг муайян даврларини ҳаққоний ва холис баҳолаш, Ўзбекистон халқлари ривожланишининг янги, ажойиб, улуғвор манзарасини яратиш имконини берди.

Тарихий онг ва тарихий хотира ҳамда уларни ёшлар онгида шакллантириш ҳозирги кунда анча долзарб муаммо бўлиб, у қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади.

Биринчидан, жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, бугунги куннинг сиёсий воқелиги ҳамда кундалик турмуш эҳтиёжлари жамоатчиликнинг тарихга бўлган қизиқишини пасайтирмади, аксинча, ўтмишни янада кескинроқ идрок этишга олиб келди. Бу қонуний жараёндир, чунки янги ўзгаришлар даври ўтмишни юзаки ўрганиш билан чеклана олмайди. У барча даврлар ҳамда жараёнларни ҳар томонлама чуқур англашни талаб қилади. Чунки «тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтганларини хотираламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажagini порлоқ кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси уйғоқ бўлмоғи шарт. Бойси ҳар қандай халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур»¹. Шунинг учун «мустақиллик йилларида

¹ Каримов И.А. Хотира боқийдир, қадр — муқаддас. // «Ўзбекистон овози». — 2007. — № 56.

ўзлигимизни англаш, тарихий — миллий қадриятларимизни тиклаш борасида нимаики иш қилаётган бўлсак, уларнинг барчасини ягона мақсад — кўп миллатли халқимизни бирлаштириш учун қилмоқдамиз»¹. Шу боис «давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага»² айланди.

Иккинчидан, халқлар ҳаётидаги бурилиш паллалари, урушлар ва инқилоблар, иқтисодий юксалишдан депрессия ва таназзулга ўтиш, жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар доимо тарихга қизиқишни кучайтирган. Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи кейинги ривожланиш йўллари танлаш, демакки, босиб ўтилган йўлни баҳолашнинг ҳам, истиқболга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқишнинг ҳам усуллари, шакллари, тамойиллари билан боғлиқ масалаларни кун тартибига қўйди. Бундай саволларнинг жавоби ҳар қандай жамиятни ҳар бир янги авлод сиймосида мавжуд аҳволга олиб келувчи сабабларни қайта англашга ундайди.

Учинчидан, бугунги пайтда ўтмишга қизиқиш, ундан ҳозирги кун учун жавоб топишга интилиш ҳамда келажакни олдиндан кўриш учун ривожланишнинг бирон-бир йўлини танлаш умумий тус олмоқда. Чунки ўтмиш, бугун ва келажакни узвий алоқадорликда англаш тўғри ижтимоий қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Тўртинчидан, ҳаётда амалга оширилаётган барча ўзгаришлар халқнинг менталитетини, унинг тарихий онги ва тарихий хотирасини, тарихий ва миллий хусусиятларини, анъаналари ҳамда урф-одатларини янада тўлиқ ҳисобга олиш, унинг ўз ўтмишини, истеъдодли Ўзбекистон халқи томонидан кўп асрлик бой тарихи давомида тўпланган барча гўзал нарсаларни теран билишидан келиб чиқади. Шунинг учун «биз буюк давлат

¹Каримов И.А. Хотира чироғи ўчмайди. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. —Т.:Ўзбекистон, 1999. 7-том, 410-бет.

²Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. —Т.:Ўзбекистон, 1999. 7-том 154-бет.

қуришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган эканмиш, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор»¹. Шу боис «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»².

Бешинчидан, буюк аждодлари меросидан хабардор бўлиш ёш авлодда фақат ўз тарихи билан фахрланиш туйғусинигина эмас, унга муносиб бўлиш, ундан ўрнак олиш масъулиятини ҳам шакллантиради. Ўзбекистонда ёшлар келажак ворислари сифатида катта ижтимоий-демографик қатламни ташкил этади. Ватанимиз келажак кўп жиҳатдан мана шу ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллантириш масалаларининг қанчалик самарали ҳал этилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирда ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш муаммосини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Тарихий онг ва тарихий хотира тушунчаларини тадқиқ этиш онгнинг моҳияти, унинг структураси муаммосининг, ижтимоий онгни ва унинг шакллари, шу жумладан, миллий онгни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг кам тадқиқ қилинган бир қатор жиҳатларини очиб бериш билан узвий боғлиқ.

Тарихий онг ва тарихий хотира глобал мафкуравий таҳдидлар омили кучаяётган ҳозирги кунда кишиларда унга ўз гоё ва эътиқоди билан қарши тура олиш имкониятини яратади. Шу боис тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг фалсафий муаммоларини таҳлил қилиш ва очиб бериш мактабгача муассасаларда, умумтаълим мактабларида, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида бу гоё қимматли фазилатни ҳар бир шахсда шакллантириш ишини яхшироқ билиб олишга кўмаклашади.

¹Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.// Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. —Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-том, 154-бет.

²Ўша жойда, 153-бет.

ОНГ, ТАРИХИЙ ОНГ, ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ МОҲИАТИ, МАЗМУНИ, ИЖТИМОИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Онг — кўплаб фанлар ўз предмети нуқтаи назаридан тадқиқ қилувчи ҳам табиий, ҳам гуманитар фанлар эътиборидаги объектдир. Чунончи, тиббиёт-биология фанлари вакиллари, биринчи навбатда, онг органи бўлган мия: унинг тузилиши, ишлашининг ўзига хос хусусиятлари қизиқтиради. Бироқ инсоннинг фикрлаш фаолияти хусусиятлари онг тўғрисидаги бирмунча умумий, универсал тасаввурлар асосида қабул қилиниши мумкин. Бундай умумий билимни фалсафа беради. Минг йиллар давомида мавжуд бўлган фалсафа ўз даври билимлари асосида онгнинг келиб чиқиши муаммосини муттасил диққат марказига қўйиб келди, онгнинг мазмуни ва моҳияти, унинг хусусиятлари тўғрисидаги, онгнинг жамият ва ҳар бир киши ҳаётидаги аҳамияти тўғрисидаги масалаларга жавоб беришга интилди. Бу масалалар оламнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва мавжудлиги, одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, инсоннинг ўзини ўзи билиши муаммолари билан узлуксиз боғлиқ эди.

Онгни тадқиқ қилишнинг икки йўли антик фалсафадаёқ ажралиб чиққан эди. Улардан бири Сократ (Сукрот)га бориб боғланса, бошқаси унинг шогирди Платон (Афлотун) номи билан боғлиқ. Сократнинг нуқтаи назарига кўра, одамнинг онги нарсаларнинг моддий борлиғига монанд эмас, шунингдек онг, ўзига хос диалектика асосида, ўрганилаётган нарсалар ҳақида зиддиятли тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун «Ўзингни билиб ол!» даъвати Сократ учун «Ҳеч нима-

ни билмаслигимни биламан», деган гапидан кейин, айнан эса: «Дельф битикларига мувофиқ, мен ҳали ҳеч қанақасига ўзимни ўзим билиб ололмайман», деган гапидан кейинги шиор бўлиб қолди¹.

Сократнинг шогирди бўлган Платон эса нарсалар олаmidан ташқари алоҳида ғоялар олами ҳам мавжуд бўлиб², уни танасиз ақл ҳаракатлантиради, ҳар бир кишининг қалбида эса ақл ўзини ўзи мушоҳада этади ва бу билан киши ҳаётига фаол таъсир кўрсатади. У руҳ барҳаёт бўлиб, ерга қайтгач, инсон танасига кириши, «у ерда нималарни кўрганини эслаши мумкин деб, туғилиш ўлим шарбатини тотадиган мавжудотга туширилган абадийлик ва мангуликнинг бир қисмидир»³, деб таъкидлайди.

Айни маҳалда Платон одам ақлини юқори даражада қадрлаган ва «барча нарсалар ўлчови — одам»⁴, деган.

Платоннинг шогирди Аристотель устозининг ақл, жон ва танга нисбатан мазкур позициясига амал қилиб, одам ақлини Платон каби жуда юқори баҳолаган, масалан, донишмандлик «табиатан энг қимматли нарсаларга ақл етишидан иборат»⁵, деган ва «одам биринчи навбатда ақлдир»⁶, деб таъкидлаган.

Ҳозирги адабиётларда, юқоридагилардан келиб чиқиб, «Сократ, унинг ортидан эса Платон ҳам, моддий ҳодисалар билан аслида идеал ҳодисани фарқлашмоқда. Платон Европа фалсафий анъанасида идеал ибтидони ажратибгина қолмай, уни моддий ибтидо асосига ҳам қўйган биринчи киши бўлган эди. Платон руҳий ҳодисаларни туйғулар — сезги ва идрок ҳамда ақл оламига бўлган эди, бунда у ақл ва идрокни алоҳида ажратган эди. Шу билан бирга, соф ғоялар билан иш кўра-

¹ Платон. Сочинение в 3-х т. — М.: Мысль, 1968—1972. Т. 2. — С. 362.

² Ўша жойда, 128—161-бетлар.

³ Ўша жойда, 131-бет.

⁴ Ўша жойда, 238-бет.

⁵ Аристотель. Сочинение в 4-х т. — М., 1983. Т. 4. — С. 179.

⁶ Ўша жойда, 283-бет.

диган ақл — тафаккурнинг формал усуллари билан, масалан, математикадагидек, боғланган идрокка нисбатан юқорироқ даражадаги ҳодисадир»¹.

Шундай қилиб, онг қаердан келиб чиққан, у конкрет одамнинг мулки бўлгани ҳолда унга тааллуқлими ёки одам онги оламий онгнинг бир қисмими, деган савол антик даврдаёқ қўйилган экан.

Ўрта асрлардаги Шарқнинг буюк мутафаккирлари ал-Киндий, Закариё ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Фахриддин Розий, Жалолиддин Давоний, Абу Али ибн Сино ва бошқа кўплаб мутафаккирлар фаннинг турли тармоқларига, шу жумладан «онг» тушунчасининг мазмунини, материя билан онгнинг нисбатини, ҳиссийлик ва рационалликнинг нисбатини тушунишга, маънавият элементларини ривожлантиришга, билиш назариясига ўз даврлари фани ривожланиши даражасидан келиб чиққан ҳолда, катта ҳисса қўшдилар².

Масалан, Форобий (870—950) ўз асарларида одам миясига беш ҳиссий орган орқали туйғу воситасида атроф ташқи олам билан алоқада бўлиб, шу оламни инъикос эттирадиган онг органи сифатида катта эътибор берган. «Ташқи ҳиссиётлар ортидан (қалб кучи) келади, у худди (балиқчининг) тўрдек (улардан келаётган) образларни тутиб олади. Шу боис бу кучни образларни сақловчи куч, дейишади. Бу куч миянинг олд қисмида жойлашган бўлиб, ташқи буюмлар образларини, улар ҳатто шу онда бевосита ҳис этилмаса-да, сақлаб қола-

¹Бучало Н.Ф., Чумаков А.Н. Философия. —М.: Знание, 1998. —С. 52.

²Бу ҳақда батафсил қаранг: *Фараби*. Фасус ал-Хикам. //Ал-Мажбу. —С.151. В монографии: *Хайруллаев М.* Фараби. —Т.:Ўзбекистон, 1975. —С.147; Из философского наследия народов Востока. —Т.:Фан, 1972. —С. 12—246; *Хайруллаев М.М.* Фараби. —Т.:Ўзбекистон, 1975. —С. 22—331; *Абдунабиев А.* Вклад в мировую цивилизацию. —Т.:Ўзбекистон, 1998. —С. 5—67; *Саифназаров И., Нуриддинов Ё.* Великие ученые-мыслители Центральной Азии периода Восточного Ренессанса. —Т.:ТГЭУ, 2005. —С.4-49; *Сангилов М.* Корифеи философии Древнего Востока. —Т.:ТАИ, 2006. —С.8—104.

ди»¹, — деб таъкидлайди у. Демак, Форобий онгнинг, хотиранинг, тасаввурнинг табиатига катта аҳамият берибгина қолмай, мураккаб психологик жараёнлар бўлиб ўтадиган физиологик органини аниқлашга ҳам ҳаракат қилади.

Илк Шарқ Уйғониш даврининг қомусий алломаси Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўз асарларида онг ва ақл масалаларига катта эътибор берган. У одам мияси ва беш ҳиссий органини ўзаро боғланган, деб ҳисоблаб, уларга катта аҳамият берган. Беруний фикрича, ҳар бир туйғу муайян қўзғатувчилар турига муносабат билдиришга мўлжалланган. «Кўришни қўзғатувчи ёруғликдир... Эшитишни қўзғатувчи товуш бўлиб, уни ҳаво унга етказди... Ҳид билишнинг қўзғатувчиси ҳид бўлиб, уни бурунга ҳаво олиб боради... таъм билиш ҳиссини қўзғатувчи (ҳар хил) таъм (таом)дир... Бешинчи туйғу — сезги бўлиб, бутун танани қамраб олади, у барча аъзолар ҳамда органларга хос»², — дейди аллома. Сўнг, «агар киши улардан (сезги органларидан — Ф.Ф.) фикрлаш ва ҳукм чиқариш ёрдамида фойдаланса, ушбу сезгилар орқали идрок этиладиган нарсаларни (ўрганишда) катта муваффақиятларга эришиши мумкин»³, деб таъкидлайди. Умуман, Беруний инсон томонидан илмий билимларга эришиш йўлини умумлаштириб: «Бу ҳиссий идрок қилиш маълумотларидан фойдаланган ақлнинг ютуғидир»⁴, — деб қайд этади.

Марказий Осиёлик буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино (980—1037) ҳам онг муаммосига катта эътибор берган. «Мия (идрок қилиш) туйғулар ибтидосидир»⁵, — деб асосли равишда қайд этади. Сўнг у «ақлнинг кучи

¹ *Фараби*. Фасус ал-Хикам. //Ал-Мажбу. —С. 151. В монографии: *Хайруллаев М. Фараби*. —Т.: Ўзбекистон, 1975. —С. 147.

² *Абу Райҳон Беруний*. Собрание сведений для познания драгоценностей. —М.: АН СССР, 1963. —С. 8-9.

³ Ўша жойда. 10-бет.

⁴ *Абу Райҳон Беруни*. Памятники минувших поколений. Избр. произв. —Т.: АН ССР, 1963. Т. 2 —С. 252.

⁵ *Абу Али ибн Сино*. Канон врачебной науки. Избранные разделы. —Ташкент: Фан, 1985. —С. 37.

чексиз ва у фикрлайдиган нарса ҳам чексиздир. Ақл ҳамма нарсани идрок этиши мумкин. Бинобарин, фикрланадиган нарса жисмдан алоҳида, мустақилдир»¹, деб қайд этади. Бунда Абу Али ибн Сино ўз даврининг илмий оқимлари бўлган номинализм ва реализмни енгиб ўтиб, уларни бир, деб ҳисоблайди: «Умумий тушунча, умумий бўлгани ва ақлдан ташқарида мавжуд бўлмаслиги учун ҳам шундайдир. Бироқ унинг моҳияти ақлда ҳам, ақлдан ташқарида ҳам мавжуд, чунки инсонийлик ва жаҳолат онгда ҳам, онгдан ташқарида, нарсаларда ҳам мавжуд бўлади»².

Насроний динида онг — Худо бўлиб, у азалдан (ҳамма нарсадан олдин) мавжуд бўлиб, сўнг бутун оламни ва одамни яратган Зотдир. Августин Блаженный (354—430) нуқтаи назарига кўра, олам тўғрисидаги барча билимлар қалбга жойлаштирилган. Бироқ инсон ҳаётидаги асосий нарса — унинг Худо билан бирлашиб кетиши, унинг фикрича, ҳар қандай билимдан юксак бўлган соф эътиқоддир³.

Европа Уйғониш даври инсон ва унинг онгига қизиқиш уйғотди ҳамда уларни илмий тушунишга ўтиш асосини яратди. Янги давр фалсафаси эса Р. Декарт (1596—1650), Ф. Бэкон (1561—1626), Ж. Локк (1632—1704), И. Кант (1724—1804), Г. Гегель (1770—1831) тадқиқотларида онг ва билимнинг умумий муаммолари билан боғлиқ бўлган бир қатор фундаментал масалаларни қўйди⁴.

¹Ибн Сина. Даниш-намэ (Книга Знания). — Сталинабад: Таджиз, 1957. — С. 272.

²Ўша жойда, 160-бет.

³Қаранг: Творения Блаженного Августина Епископа Иппонийского. // Антология мировой философии. В 4-х т. — М., 1969. Т. 1. Философия древности и средневековья. Ч. 2. С. 582—589, 592.

⁴Қаранг: Декарт Р. Начало философии. // Избранные произведения. — М.: Госполитиздат, 1950. — С. 409—544; Бэкон Ф. Новый органон. // Сочинение в 2-х т. — М., 1978. Т. 2 — С. 18—20, 20—24, 33; Локк Д. Опыт о человеческом разуме. // Избранные философские произведения. В 2-х т. — М., 1960. Т. 1. — С. 153—162; Кант И. Критика чистого разума. // Сочинение в 6-ти т. — М.: Мысль, 1963—1966; Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук. — М.: Соцэкгиз, 1974. Т. 1

Онг ва, айниқса, билиш муаммоларини тушунишда И. Кант (1724—1804) асарлари¹ муҳим аҳамият касб этди. Бу асарларда инсон томонидан оламни билиш хусусиятлари тадқиқ қилинди, билиш субъекти бўлган инсоннинг билиш қобилияти (унинг соф ақли, амалий ақли, фикрлаш ва ҳукм чиқариш қобилияти) танқиди берилди. Кант нуқтаи назарича, билишнинг уч асосий қобилияти — ҳиссийлик, идрок ва ақл инсонга ҳақиқатни билдиролмайди, чунки инсоннинг ўзини ўраб турган буюмлар олами билан ўзаро муносабати буюмнинг ўзини эмас, фақат ҳодисани тушуниш имконини беради. Айни маҳалда, бизнингча, И. Кант асарларида рационал мағиз бор: бу — ҳиссийлик билан идроклилиكنинг чамбарчас алоқадалигидир. Масалан, И. Кант «Соф ақл танқиди» асарида: «Бизнинг табиатимиз шундайки, мушоҳада фақат сезгилар орқали бўлиши мумкин, яъни предметлар бизга таъсир кўрсатадиган усулнигина ўз ичига олиши мумкин. Ҳиссий мушоҳада предметини фикрлаш қобилияти идрокдир. Бу қобилиятлардан бирортасини ҳам устун қўйиб бўлмайди. Ҳиссийликсиз бизга бирорта ҳам предмет берилмаган бўларди, идроксиз эса бирортаси ҳақида фикрлаб бўлмасди. Мазмунсиз фикрлар пучдир, тушунчасиз мушоҳада эса кўрдир. Бу қобилият бир-бирининг функциясини бажара олмайди. Идрок ҳеч нарсани мушоҳада қила олмайди, сезгилар эса ҳеч нарса ҳақида фикрлай олмайди. Уларнинг қўшилишидангина билим ҳосил бўлиши мумкин»², — деб ёзади у. И. Кант юқорида баён этилган фикрини ривожлантириб «...Ҳар қандай билимимиз сезгидан бошланади, сўнг идрокка ўтади ва ақл билан тугайдики, мушоҳада материалини ишлаш учун ва уни тафаккурнинг олий бирлигига етказиш учун бизда ундан юқорироқ нарса йўқ»³, — дейди.

¹Қаранг: *Кант И.* Критика чистого разума. //Сочинение в 6-ти т. —М.: Мысль, 1963—1966. Т. 3. Критика практического разума. —Ўша жойда — 4-том.

²*Кант И.* Сочинение в 6-ти т. —М.: Мысль, 1964. —С.155.

³Ўша жойда, 340-бет.

Г. Гегель (1770—1831) И. Кантнинг ғояларини ривожлантириб, онгнинг тарихийлигини, унинг ижтимоий ҳаётнинг тарихан ўзгарувчан шакллариға боғлиқлигини асослаган, шунингдек индивидуал онг билан ижтимоий онгнинг диалектикасини ҳар томонлама кўриб чиққан эди¹. Бунда у «диалектика тафаккурнинг табиатидан иборат бўлади»², тафаккур эса «инсон билан боғлиқ барча нарсада фаол бўлиб, бутун инсониятга унинг инсонийлигидан хабар беради»³, деб таъкидлаган.

Гегель онгни тадқиқ қилишда тарихийлик ва фаолият принципини қўллади. У онгга шахснинг конкрет-тарихий давр доирасидаги фаол ҳаракат фаолияти маҳсули сифатида қаради.

Онг муаммоси ва унинг тарихий таркиби тарих фалсафасида ривожлантирилди. Зеро тарих фалсафаси тарихни «фикрлаб кўриб чиқишдан бошқа нарсани билдирмайди».

Тарих фалсафаси доимо тарихий онг билан ўзаро бир-бирини тақозо этувчи шароитда бўлиб келган. Тарих фалсафаси тарихий онг контекстидан ташқарида мавжуд бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Айни маҳалда, тарихни фалсафий тушуниш тарихий онгга ва тегишлича, ижтимоий-тарихий ҳаётга кўп жиҳатдан шакллантирувчи таъсир кўрсатиб келган. Тарих географик, моддий, маънавий ва бошқа омиллар бирикиб кетган мураккаб жараёндир. Кишилар учун тарих улар ҳаётининг илдизи яширинган хотиротдир. Тарихий қараш тарихнинг инсон томонидан тушунилиши юзага келадиган соҳани яратади. Киши тарихни қандай фикрлашидан келиб чиқиб инсон имкониятлари чегараси белгиланади, нарсалар мазмуни очилади. Тарихий билиш лоқайд мазмун эмас, ҳаёт онидир. Ўтмишга турлича муносабатда бўлиш мумкин, лекин тарихий маълумотлар ҳар қандай ҳолатда ҳам тарихий бўлмаган нар-

¹ Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук. — М.: Соцэкгиз, 1974. Т. 1 — С. 96.

² Ўша жойда, 85-бет.

³ Гегель Г.В. Лекции по философии истории. — СПб. 1993. — С. 63.

садек жипс, балки ҳар қандай киши ҳаётида бевосита мавжуд бўлиб турган нарсасдек қабул қилинади.

Тарих фалсафаси қарор топиши учун бир нечта шарт-га риоя этиш талаб қилинади. Биринчидан, ижтимоий ҳаёт жўшқин, ҳаракатчан, ўзгарувчан бўлиши даркор. Иккинчидан, тарихий онг ҳаракатчан ва сифат жиҳатидан ўзгарувчан ижтимоий ҳаётнинг муайян рефлекс сифатида шаклланиши лозим. Учинчидан, тарихни фалсафий мавзулаштириш ҳамда тушуниш учун маънавий ва интеллектуал ресурсга эга фалсафа мавжуд бўлиши зарур.

И. Сеченов, И. Павлов, З. Фрейд, У. Жеймс, Ж. Пиаже, Л. Выготский, С. Рубинштейн, А. Лурия, А. Леонтьев, Р. Аронов, Д. Дубровский¹ ва бошқа таниқли олимлар янги ва энг янги даврда онг мазмуни муаммосини очиб беришга катта ҳисса қўшишди.

Улар инсон психик фаолиятининг физиологик ва назарий асосларини тадқиқ қилишди ҳамда шу асосда онг улар томонидан ижтимоий ҳодиса, табиий жараёнлар ва кишилар фаолияти жараёнидаги ижтимоий муносабатларнинг фаол инъикоси сифатида қаралди ҳамда қараб келинмоқда. Уларнинг кўпчилиги онгга объектив оламнинг субъектив образи сифатида қарашади. Онгнинг моҳияти эса инсоннинг атрофидаги олам тўғрисида хилма-хил илмий ва ноилмий маълумотларни ўз ичига олувчи билимдир.

¹Қаранг: *Сеченов И.М.* Избранные философские и психологические произведения. — М., 1947; *Павлов И.П.* Собр. Сочинение — М. — Л., 1951; *Фрейд З.* Введение в психоанализ. Лекция. — М., 1991; *Джеймс У.* Научные основы психологии. — М. — СПб, 1902; *Пиаже Ж.* Избранные психологические труды. — М., 1964; *Выготский Л.С.* Собр. Сочинение в 6-ти т. — М.: Педагогика, 1984; *Рубинштейн С.П.* Основы общей психологии. В 2-х т. — М.: Педагогика, 1998. Т. 1; *Лурия А.Р.* Об историческом развитии познавательных процессов. — М., Наука, 1974; *Леонтьев А.Н.* Деятельность, сознание, личность. — М., Политиздат, 1975; *Аронов Р.А.* Сознание и квантовый мир. // Вопросы философии. — Москва, 2005. — № 6. — С. 83—92; *Дубровский Д.И.* Проблема духа и тела. // Вопросы философии. — Москва, 2002. — № 10. — С. 92—107.

Ҳозирги пайтга келиб «онг» категорияси, унинг моҳияти, келиб чиқиши ва эволюциясининг умумэътироф этилган ягона таърифи йўқ. Лекин бу жараёнлар тўғрисида кўпдан-кўп фаразлар, назариялар, концепциялар ҳамда тегишли тушунчаларнинг таърифлари мавжуд¹.

Ҳозирги мавжуд илмий адабиётларда онг категориясига қуйидагича таърифлар берилган:

«Онг инсоннинг фикр ва ҳислари, сезгилари, тасаввурлари, ирода ва қарашларидан ташкил топган»².

«Онг инъикоснинг олий шаклидир»³.

«Онг фалсафанинг ҳажман ўта кенг ва чуқур категорияси бўлиб, субъектив реалликни, ташқи оламнинг инсон, унинг мияси ва психикасида идеал даражада инъикос этишини, инсоннинг маънавий дунёсини, унинг оламдаги ўз борлигини англаб ҳис қилишини, ташқи оламга муносабатини белгилаб беради»⁴.

«Онг фақат инсонга хос бўлган ташқи оламни инъикос эттиришнинг олий шакли (усули)дир»⁵.

Шундай қилиб, тадқиқотчилар томонидан онг тушунчасининг мазмунига берилган таърифларни умумлаштириб, онг категориясини бизнингча қуйидагича таърифлаш мумкин: онг — объектив реалликни идеал равишда инъикос эттириш ва акс эттиришнинг олий шакли, объектив оламнинг субъектив образи, ҳиссий ва ақлий образлар йиғиндиси. Атроф олам тўғрисида

¹Қаранг: *Опарин А.И.* Жизнь, ее природа, происхождение и развитие. — М.: Наука, 1960; *Конкин М.И.* Становление мыслящего духа. — М.: Высшая школа, 2002; *Немов Р.С.* Психология. — М.: Владос. 2001; *Юлина Н.С.* Тайна сознания: альтернативные стратегии исследования. //Вопросы философии. — Москва, 2004. — № 10. — С.125—136; *Лобачев В.Г.* К логическим определениям сознания: *Э.В. Ильенков., И. Кант.* //Вопросы философии. — Москва, 2004. — № 3. — С. 56—65; *Аронов Р.А.* Сознание и квантовый мир //Вопросы философии. — Москва, 2005. — № 6. — С. 83—92.

²Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-том. —Т.:ЎМЭ, 2003. 704-бет.

³Фалсафа асослари. Т.:Ўзбекистон, 2005. 203-бет.

⁴*Саифназаров И., Касымов Б., Мухтаров А.* Философия. —Т.: Шарқ, 2002. —С. 190.

⁵*Горбачев В.Г.* Основы философии. —М.: Владос, 1998. —С. 110.

хилма-хил илмий ва ноилмий ахборотни ўз ичига олувчи билимлар эса онгнинг мағзини ташкил қилади.

Маълумки, онг конкрет кишининг онги сифатида индивидуал онг ва конкрет жамият онги сифатида ижтимоий онг бўлади. Бу жиҳатдан ҳозирги адабиётларда ижтимоий онг категориясининг илмий асосланган таърифлари мавжуд: «ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир»¹.

«Ижтимоий онг — конкрет тарихий даврдаги ижтимоий борлиқни инъикос эттирадиган ижтимоий кайфиятлар, кечинмалар, туйғулар, ҳиссиётлар, ғоялар, қарашлар, фаразлар ва назариялар мажмуидир»².

«Ижтимоий онг ижтимоий борлиқ натижасида тақозо этиладиган ва асосан унинг инъикоси, маънавий такрори бўлган ижтимоий реалликни белгилаш учун категория сифатида таърифланади»³.

Ижтимоий онг мазмунининг юқорида баён этилган таърифларини умумлаштириб, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг маънавий инъикоси сифатида ижтимоий туйғулар, ҳиссиёт, фаразлар, назариялар, кайфиятлар, ғоялар ва қарашлар, одатлар ва анъаналар тизимидир.

Ижтимоий ҳаёт ранг-баранг, хилма-хил бўлгани учун ижтимоий онг ҳам тегишлича турли шакллarga бўлинади. Булар: иқтисодий онг, сиёсий онг, ҳуқуқий онг, ахлоқий онг, эстетик онг, экологик онг бўлиб, биз яна тарихий онгни, онгнинг элементи сифатида, шу жумладан тарихий онгнинг муҳим элементи сифатида тарихий хотирани ҳам бунга қўшишимиз мумкин. Ижтимоий онгнинг барча шакллари ўзаро боғлиқ, ўзаро муносабатда бўлади, ўзаро бирикади ва бир-бирини ўзаро тўлдиради.

¹Фалсафа асослари. —Т.:Ўзбекистон, 2005. 218-бет.

²Каримов И. и др. Методические пособия по философской науке. ТГПУ им Низоми, 2005. —С. 41.

³Краткий философский словарь. —М.: Проспект, 1998. —С. 216.

Ижтимоий онг шаклларида бўлган тарихий онг ва тарихий хотира мураккаб ҳамда серқирра ҳодисадир. Тарихий онгга, шунингдек унинг таркибий қисми бўлган тарихий хотирага, уларнинг ўзаро ҳамда ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан алоқасига кўплаб таърифлар берилган.

«Тарихий онг, бу — ҳар қандай билимда бўладиган, ҳамма нарса, ҳатто маънавий борлиқ ҳам бўлиб ўтганлигини англашдир»¹.

«Тарихий онг ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир»².

Тарихий онг «илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди»³.

«Илм-фанда тарихий онг деганда одатда ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халқлар, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар ҳақида, ўз тарихининг бошқа кишилиқ жамоалари ва умуман башарият ҳамжамияти тарихи билан нисбати ҳақидаги қарашлар, анъаналар, удумлар, одатлар, концепциялар мужассами тушунилади»⁴.

«Тарихий хотира селектив хусусиятга эгаллиги туфайли уларни (тарихий онг элементларини) саралай олади, бир тизимга солишга хизмат қилади» ёки «та-

¹Философский энциклопедический словарь. — М.: Инфра, 1999. — С. 190.

²Абдуллажонов Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. —Тошкент, 2004. —№ 2, 83-бет.

³Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш — давр талаби. —Т.: Меҳнат, 2000, 7-бет.

⁴Абдуллаев Р. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани. //Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. —Тошкент, 2007, 6—12-бетлар.

рихий хотирада санъат, урф-одат, маросимлар билан боғлиқ ахборотлар сараланган тарзда жамланади ва сақланади»¹.

«Тарихий хотира — аجدодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши»².

«Инсонни бутун инсоният яратган моддий ва маънавий бойликлар билан боғлаб турадиган, унинг онги ва кундалик амалий фаолиятига руҳий-маънавий озуқа берадиган қудрат тарихий хотирадир»³. Шунингдек, адабиётларда «тарихий онг ижтимоий хотиранинг таркибий қисми, унинг элементларидан биридир»⁴, деган фикр ҳам мавжуд. Бизнинг фикримизча, тажрибадан кўринишича, «тарихий онг» тушунчаси ўз мазмунига кўра, «ижтимоий хотира» тушунчаси билан қиёслаганда, унга нисбатан анча кенг тушунчадир, чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, «хотира» тушунчаси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ва биргаликда тизим сифатидаги «онг»ни таркиб топтирадиган ўзаро боғланган кўплаб элементлардан, шу жумладан хотирадан ҳам иборат бўлган анча кенгроқ бўлган «онг» тушунчасининг муҳим, ҳатто марказий элементи ҳисобланади. Бунда онг тизимидаги хотира — «кечинмалар онидан сўнг идрок этиш ва тасаввур этишни сақлаб қолиш қобилияти; хотира (образли ифодалаганда) сақловхонани ҳам билдиради»⁵.

Юқорида баён этилганлардан ташқари, тарихий онг тизимида хотира «нафақат тарихий хотирани сақлай-

¹ Абдуллажонов Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. // Фалсафа ва ҳуқуқ. — Тошкент, 2004. — № 2, 82-бет.

² Фалсафа. Қомусий луғат. — Т.: Шарқ, 2005, 389-бет.

³ Қурбонов Т.Х. Ёшларда миллий гуруҳнинг шаклланишида маданий мероснинг роли: фалс.фан.номз. дисс. автореф — Т.: ЎзМУ, 2005, 12-бет.

⁴ Каменская Р.А. Историческое сознание: Автореф. дис. канд. филос. наук. — Волгоград: ВГПУ, 1999. — С. 4.

⁵ Философский энциклопедический словарь. — М.: Инфра, 1999. — С. 330.



ди, балки инсон онгида шаклланган билим асосида ўтмишда рўй берган воқеаларни таҳлил этади, хулоса чиқаради, характерли томонларини қабул қилади, турмушга жорий этади ва жамиятнинг ҳозирги шароити билан солиштириб, қадрини белгилайди»¹.

Бизнингча, онг ва тафаккур — жараён, хотира эса қобилиятдир. Бинобарин, ижтимоий онгнинг барча шакллари ўзаро узвий боғланган, бир-бири билан муносабатда бўлади, бир-бирини ўзаро бойитади.

Демак, тарихий онг билимлар, тасаввурлар, қарашлар, анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, ғоялар, концепциялар, фикрларнинг шундай йиғиндисини, мажмуини ташкил этадики, улар воситасида индивидларда, ижтимоий гуруҳларда, халқларда, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги энг муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар тўғрисида, ўз тарихи билан кишиларнинг бошқа муштараклиги, шунингдек инсон социуми ва ўзининг ундаги ўрнининг нисбати тўғрисида муайян тасаввур пайдо бўлади.

Тарихий онг — ўтмишни унинг умуман жамиятга, хусусан турли ижтимоий-демографик, ижтимоий-профессионал, этноижтимоий, этноконфессионал гуруҳларга, шунингдек алоҳида индивидларга хос бўлган бутун ранг-баранглигини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш ҳамдир. Бизнингча, тарихий онг жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ҳамда бутун инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурлари йиғиндисидир. Тарихий онгда ўтмиш, бугун ва келажак уйғунликда инъикос этади.

Ҳар қандай ижтимоий муштараклик ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги энг муҳим воқеалар, ўтмишдаги буюк (баъзан унчалик буюк бўлмаган) арбоблар тўғрисида, ўз тарихининг инсоният тарихидаги ўрни ҳақида, ўз тарихининг бошқа халқлар тарихи билан нисбати тўғрисида муайян тасаввурлар тизимига эга. Бу

¹Самибоев Х., Ширинбоев Ш. Маҳалла — тарихий хотирани тарбиялаш маскани. //Мулоқот. — Тошкент, 2003. — № 3, 10-бет.

тасаввурлар, биринчи навбатда, турли тарихий ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар, эртақлар, асотирлар туфайли мавжуд бўлиб, улар жамият маънавий ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил этади ҳамда унинг ўзини ифодалаши ва ўзини қарор топтиришининг муҳим усулларида бири ҳисобланади¹.

Тарихий онг, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари, таркибан мураккабдир.

Тарихий онгнинг биринчи (қуйи) даражаси одатдагидек усулларда шаклланади ва унга мувофиқ келади. Шаклланиш жараёни бевосита ҳаётий тажрибани тўплаш асосида юз беради. Яъни киши бутун ҳаёти давомида муайян воқеаларни кузатади, уларда иштирок этади. Улар тўғрисида тўпланган таассуротлар, ҳодисалар, улар ҳақидаги фикрлар вақти келиб хотира бўлиб жамланади. Тарихий онгнинг қуйи босқичидаги одатий онг эгалари бўлмиш индивидлар ҳам уни тизимга солишга, бутун тарихий жараённинг қисми сифатида баҳолашга қодир эмаслар. Бу даража, одатда, кўпинча нотўлиқ, ноаниқ, субъектив бўлган қандайдир норавшан, ҳиссиётга тўлиқ эсдаликлар ҳамда тасаввурлардан иборат бўлади.

Тарихий онгнинг навбатдаги даражаси аввалги даражадагига нисбатан яхши ривожланган шаклдаги тарихий хотирани ўз ичига оладики, уни конкрет фактларга муайян тарзда қаратилган, ўтмиш ҳақида ахборотнинг аҳамияти ҳамда долзарблигини ҳозирги ва келажак замон билан чамбарчас алоқада акс эттирувчи сифатида таърифлаш мумкин.

Ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак тушунчаларининг нисбати ҳамда ўзаро алоқаси масаласида биз З. Оруджев ва Т. Кузнецоваларнинг «Ўтмишни вайрон қилувчи ҳар қандай ҳаракат — цивилизацияга қарши жиноят. Ўтмиш, ўтган ва эски — бир нарсанинг ўзи эмас. Ўтмиш — ҳозир-

¹Қаранг: *Келле В.Ж.* Интеллектуальная и духовная составляющие культуры. //Вопросы философии. — Москва, 2005. — № 10. — С. 38—54.

ги моддий ёки идеал ҳодисани, предметлар оламини ёки ҳодисалар оламини (бирон-бир шаклда) белгиловчи (вақт). Ўтган — (ҳозирги) вақт томонидан босиб ўтилган, бой берилган ўтмиш. Эски (эскирган) — вайрон қилувчи (ҳозиргига тўсқинлик қилувчи) ўтган вақт, бу — йўқолиб бораётган, ҳозиргини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳодиса»¹, «ўтмиш эскирган, ўтилган вақт борасида эмас, балки ўзининг бунёдкорлиги билан боқийдир»², шу боис «цивилизация ўтмиш билан ҳозирнинг бирлиги, бу ҳозирни ўтмиш орқали идрок этишдир»³, — деган фикрлари ҳақиқатдир.

Халқ, мамлакат, давлатнинг ўтмиш тажбирасини ташкил қилиш, сақлаш ва такрорлаш жараёнидан кишилар фаолиятида, ижтимоий онг соҳасида фойдаланиш мумкин. Тарихий хотира номсиз халқ ижодиёти, тарихий ривоятлар, дostonлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, эртаклар ва ҳ.к. ёрдамида шаклланади⁴.

Одатда, халқ ижодиётида буюк кишилар жасорати ва қаҳрамонлиги, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси куйланади. Тарихий хотира, тарихий онгнинг зарурий муҳим, айтиш мумкинки, марказий элементини, халқ маънавий ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил қилади ва шунингдек, унинг ўзини ўзи ифодалаши ҳамда миллий характер хусусиятлари намоён бўлиши усулидир. Бунда ўз ўтмишини танлашга, уни қаҳрамонна мифлаштиришга мойиллик кўриниб туради. Ўтмишнинг аҳамияти ва унинг талқини ватанпарварлик, ўзининг ушбу бирликка мансублигидан фахрланиш туйғуси сингари фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилиши туфайли ушбу ҳол юз беради.

¹ Оруджев З.М., Кузнецова Т.В. Культура и цивилизация. // Вестник Московского Университета. — Москва, 2005. — № 2. — С. 82.

² Ўша жойда, 83-бет.

³ Ўша жойда, 85-бет.

⁴ Қаранг: Режабек Б.Я. Становление мифологического сознания и его когнитивности. // Вопросы философии. — Москва, 2002. — № 1. — С.52—56; Майданов А.С. Миф как источник знания. // Вопросы философии. — Москва, 2004. — № 9. — С. 91—105.

Шунинг учун тарихий хотира кўпинча тарихий шахслар, ўтмиш етакчилари фаолиятини баҳолаш орқали шахсийлаштирилади, бирон-бир тарихий воқеа, даврлар, умуман ўз тарихи тўғрисида таассуротларни, мулоҳазаларни, фикрларни шакллантиради. Ф. Ницшенинг (1844—1900), жумладан, тарих бутун-бутун халқлар тақдирини ҳал этадиган ғайриинсонлар учрашадиган жой¹, деган концепцияси тарихга бўрттириб ёндашишдир.

Иккинчи даражадаги тарихий онг ҳам муҳим, ҳам тасодифий ҳодисаларни қамрайди, ҳам бир тизимга солинган ахборотни, ҳам тартибга келтирилмаган ахборотни ўз ичига олади.

Тарихий онгнинг амал қилишида тасодифий ахборот муҳим рол ўйнайди. Уни кўпинча киши атрофидаги одамлар маданияти, шунингдек ижтимоий гуруҳ, бирлик, мамлакат, давлатнинг ҳаёти тўғрисидаги тасаввурларини ўз ичига оладиган анъаналар, урф-одатлар тақозо этади.

Тарихий онгнинг ушбу даражасида анъаналар катталарнинг хатти-ҳаракатига тақлид қилиш воситасида ёш авлодга ўтказилади, ахлоқий анъаналар муайян хулқ-атвор кўринишини касб этади. Ахлоқий анъаналар «халқнинг қалби» деб юритиш расм бўлган нарсанинг асосини ташкил қилади. Тарихни билиш бир тизимга солинмаган, унга асотилона элементлар ҳамда содда ҳиссий баҳолашлар хосдир. Бироқ тарихий онг ва тарихий хотиранинг ушбу даражасини таркиб топтирувчилар жамулжам ҳолда миллий характернинг асоси бўлиб, унинг барқарор хусусиятларини, шунингдек инсоннинг хатти-ҳаракати, одатлари, ҳиссиётининг намоён бўлишини белгилаб беради.

Шундай қилиб, тарихий онг ва тарихий хотира инсон томонидан оилавий шажарасидаги, ўз халқи тарихидаги ўзининг «Мен»ини англашининг, ўзининг «Мен»ини ва умумий «Биз»ни миллий ва маданий бир-

¹Қаранг. *Ницше Ф.* По ту сторону добра и зла. //Сочинение. В 2х т. —М.: 1990. Т. 2. —С. 242—401.

лик маъносида, умуминсоний маданиятда тушунишининг асосларидан бирини ташкил қилади¹.

Тарихий онгнинг янги босқичи маънавий маданият таъсири остида шаклланиб, ривожланиши мумкин. Маънавий маданият бадиий адабиётни, кино, радио, телевидение, театр, ранг-тасвир, шунингдек тарихий обидаларни ўз ичига олади. Бироқ тарихий онгнинг ушбу даражасида шакллантирилган тасаввурлар хронология жиҳатидан узук-юлуқ, бетартиблигича қолаверади, ёрқинлиги ва эмоционаллиги билан фарқланиб туради. Бу тасаввурлар бутун умр давомида сақланиб қолиши мумкин. Санъат ранг-баранг гўзал турлари билан инсонга улкан ҳиссий таъсир кўрсатишга қодир. Бу эса ёзувчи, драматург, режиссёр, рассомга уларнинг асарлари тарихий жиҳатдан ҳаққоний ва тўғри бўлиши учун катта масъулият юклайди, асарларнинг аҳамиятини оширади. Айни маҳалда тарихий онг бу даражада ҳам тарихий жараёни тизимли билишга айланмайди.

Адабиёт, санъат ва, айниқса, глобаллашув шароитида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг жамиятнинг тарихий онгини, фикрларини, таважжуҳи ва антипатиясини шакллантиришдаги роли жуда улкан, лекин бу улар жиддий тарихий билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади, дегани эмас. Улар кўпинча ўтмишнинг сунъий яратилган талқини моделидан иборат бўлади. Бундай тасаввурлар оммавий онг томонидан қўллаб-қувватлангудек бўлса, улар жамиятнинг босқичма-босқич ривожланишига таҳдид солиши мумкин. Халқлар учун муҳим бўлган кўплаб ҳодисалар ошкора, баъзан эса муросасиз мунозарага, ҳатто, бошқа халқлар вакиллариининг тўқнашувига олиб келиб, умуман тарихий онгнинг, шунингдек тарихий хотиранинг жуда салмоқли омили бўлиши мумкин. Шунинг учун эътибор қилинадиган нарсани тўғри танлаш ва тарихий ҳодисаларни тўғри талқин қилиш, биринчи навбат-

¹Қаранг: *Столевич Л.Н.* Об общечеловеческих ценностях. // Вопросы философии. — Москва, 2004. — № 7. — С. 96-97.

да, халқларнинг бағрикенгликча ҳамкорлик қилишига кўмаклашади. Акс ҳолда узоқ сақланиб қолиш, ижтимоий кескинликни юзага келтириш ва можароларни келтириб чиқариш қобилиятига эга бўлган эҳтиёткорлик, нотўғри хулоса чиқариш, салбий қараш сингарилар юзага келади.

Муайян миқдордаги аҳолининг тарихий онги ва тарихий хотираси ўтмиш авлодлардан қолган узук-юлуқ илмий билимлар, содда тасаввурлар ва баҳолар, анъана ва урф-одатларнинг мураккаб қоришигидан иборат. Улар сўзсиз киши маънавий оламини бойитишга ёрдам беради, аммо соддалигича қолаверади, уларда илмий теранлик, тарихий жараёнларни ҳаракатлантирувчи кучларни тушуниш, ўзларининг ҳатто оддий билимларидан конкрет сиёсий вазиятларни таҳлил қилишда фойдалана билиш маҳорати етишмайди. Тарихий онг шаклланишининг ушбу босқичларида инсон ҳам назарий формулалардан, фалсафий ва социологик категориялардан фойдаланмайди, балки кўпроқ амалий турмушдаги «бирламчи фикрлаш шакллари» ишга солади.

Бундай шароитда тарихий онгни илмий асосда шакллантириш ҳамда ривожлантириш масаласи кескин кўндаланг бўлади. Шунингдек, бунга қўшимча ўтмиш тўғрисидаги, унинг ҳозирги замон билан узвий алоқаси ҳамда жамиятни келажакда ривожлантиришнинг эҳтимол тутилган тамойиллари тўғрисидаги тасаввурларнинг муайян тизимини таркиб топтирувчи тарихий билимлар ёрдамида эришиш мумкин. Бундай билимларни тарихни мунтазам ва чуқур ўрганиш жараёнида эгаллаш мумкин.

Тарихий жараён тўғрисидаги мунтазам билимлар мактабда тарих дарсларида эгалланади, бунда ўқувчилар ўтмиш тўғрисида илк бор бир тизимга солинган тарзда тасаввур ҳосил қиладилар, шу боис кўпчилик учун тарих билан танишув шу даражада яқун топади. Бунда фактни билиш ҳали илмий билим бўлмай, уни тушуниб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб этила-

ди, шундагина фактлар тарихий жараённинг яхлит концепциясига қўшилади.

Зеро, мамлакат, халқнинг асосий ривожланиш давларини объектив тарзда инъикос эттирувчи тарихий онг, тарихий хотира мунтазам, тўлиқ, ҳис-туйғуга берилмай ва тарихий фактлар ўрнига хаёлот ва тусмоллар келтириладиган сохталаштиришга уринишларсиз бериладиган объектив тарихий ахборотсиз шаклланмайди.

Ўз халқининг тарихий ўтмиши учун ифтихор тарихий онг ва тарихий хотиранинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг миллий қадр-қимматини шарт қилиб қўяди. Ушбу фазилатлардан маҳрумлик бузуқ психология шаклланишига олиб келади: кишиларда ўзининг норасолиги ҳисси, камситилганлиги, истиқболи йўқлиги, хафсаласи пир бўлиши, руҳий ноқулайлик ҳисси юзага келади.

Тўртинчи (олий) босқичда тарихий онг ва тарихий хотира ўтмишни ҳар томонлама назарий тушуниш негизида, тарихий ривожланиш тамойилларини аниқлаш даражасида шаклланиб, ривожланади. Тарих ҳамда бошқа фанлар томонидан ўтмиш тўғрисида тўпланган билимлар, умумлаштирилган тарихий тажриба асосида илмий дунёқараш шаклланади ҳамда ривожланади, табиат ҳамда кишилик жамиятини ривожлантирувчи кучлар, уни даврлаштириш, тарих мазмуни, ижтимоий ривожланиш типологияси, моделлари тўғрисида озми-кўпми аниқ тасаввур ҳосил қилишга уринади.

Тарихий онг ва тарихий хотиранинг ушбу даражасида инсоният ўтмишини ҳам конкрет тарихий, ҳам назарий даражадаги бутун зиддиятлари ҳамда мураккабликлари билан изоҳлашга уринилмоқда. Тарихий онг ва тарихий хотирани назарий даражада шакллантириш ҳамда ривожлантириш тарихий категориялар ёрдамида фикрлашга, тарихий жараёни динамикада, хронологик изчилликда ва замон нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқликда тушунишга кўмаклашади. Бу даражадаги тарихий онг билан фанлар тизими, биринчи навбатда, тарих фани шуғулланади. Жамият тарихи бўйича мун-

тазам илмий билимларни ўз ичига олган тарих фани ижтимоий тараққиётнинг етакчи тамойилларини аниқлаши, айрим прогнозларни таърифлаб бериши мумкин.

Тарихий онг ва тарихий хотира категориялари маъносида ижтимоий амнезия (хотирани йўқотиш, унутиш) ҳодисасига эътиборни қаратишни истардик. Ўтган аср тажрибаси кўрсатишича, жамият бир қатор ҳолларда, баъзан айрим кишиларда бўлганидек, тарихий хотирани йўқотиш (унутиш) дардига мубтало бўлиши мумкин. Амнезия — шунчаки унутиш эмас. Унутган киши нимани билгану сўнг унутганини билади. Аввалги билимлар хотирадан ўчмайди. Амнезия аввал бор бўлган билимни унутиш билан боғлиқ. Ижтимоий амнезия баъзан ўтмишда эришилган бутун-бутун ютуқлар тарихдан тушиб қолишини англатади. Жамият ўз меросининг бирон-бир қисмини йўқотади, бироқ юз берган йўқотишни англамайди. Натижада ўтмиш билан ажралиш рўй беради.

Шундай қилиб, тарихий жараённинг маънавий жиҳатини ташкил қилувчи ижтимоий онг элементи бўлмиш тарихий билимни тизимли тарзда, унинг барча босқичлари ҳамда даражаларида қабул қилиш зарур, чунки тизимли ёндашувсиз тарихий онг ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ бўлмайди. Тарихий хотиранинг роли катта. Мамлакат тарихий хотирани йўқотар экан, келажакдан маҳрум бўлади. Келажак нафақат орзу ёки истак, балки билиш предмети ҳам бўлгани учун ўтмишни, масалан, Ўзбекистон тарихини тушуниш жараёни унинг зарурий элементи ҳисобланади. Бу унинг ўтмишни билиш бўғинигина бўлмай, балки келажagini прогноз қилишнинг таркибий қисми ҳамдир.

Тарихий онг ва тарихий хотира кўплаб фанларни, айниқса энг аввало, тарихни ўрганиш жараёнида шаклланади. Тарихий онг ва тарихий тажриба ҳар қандай жамият учун улкан назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. Шу боис тарихий билимларга интилиш кучли. Шу муносабат билан 2002 йилда илмий асарлар туркуми

босмадан чиқарилиб¹, шунингдек, таниқли олим Юрген Страубе таҳрири остида «Наррация, идентичность и историческое сознание» китоби² нашрга тайёрланиб, Европада олимларнинг эътиборини ушбу муаммога қаратилгани бежиз эмас³. Ўтмишга қизиқиш ўз сарчашмалари ҳақида ҳақиқатни билиш истаги, билим доирасини кенгайтиришга интилиш, ўз мамлакати, ўз халқи илдизини билишга бўлган эҳтиёж, тарих сабоқларини, ўтмиш авлодлар тажрибасини билиш истаги, тарихдан долзарб масалаларга жавоб топишга интилишдан келиб чиқади. «Хотирасиз биз оний мавжудот бўлиб қолардик, — деб ҳисоблайди С. Рубинштейн, — ўтмишимиз келажак учун ўлик бўлиб қоларди. Ҳозирги кун, ўтишига кўра, ўтмишда қайтмас бўлиб йўқолиб кетарди»⁴. Кўриниб турганидек, сабаблар етарлича ишончли, лозим даражада аниқ-равшан ва муайян маънода, олижаноб ҳамдир, чунки кишиларнинг ўз мамлакатининг тўла маънодаги фуқароси бўлиш эҳтиёжига жавоб беради. Бунда идентификация (ўз мамлакати, халқи билан бир бўлиш) сабаблари ҳамда объектив билимларга интилиш ҳам бор, чунки бу ҳозирги кунни яхши тушуниш имконини беради, тўғри қарорлар қабул қилишда кўмаклашади. Аҳоли тарихни билмасдан туриб маданият-ли инсон бўлиш мумкин эмаслигини тушунгани ҳолда, тарихий билимларни фарзандларни тарбиялаш воситаси деб ҳисоблайди.

Кишилар муштараклиги тарихий онг ва тарихий хотира шарофати билан, ўз ўтмишини ҳамда ўзининг жаҳон тарихий жараёнидаги ўрнини билиш асосида ўзини бирлик сифатида англайди. Натижада тарих ижтимоий онг билан узвий қовушиб кетади. Унинг мажму

¹Қаранг: Курарцева М.А., Коломеец Е.Н. Историография и историческое мышление. // Вестник Московского Университета. — Москва, 2004. — № 2. — С. 31-49.

²Ўша жойда, 31-бет.

³Ўша жойда, 31-бет.

⁴Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. В 2х. т. — М.: Педагогика, 1989. Т. 1. — С. 302

ҳолда жамият онгини (қарашлари, ғоялари, сиёсий ва ҳуқуқий онги, тарихий онги, хотираси, ахлоқи, дини, санъати, фанини) ташкил қилувчи барча элементлари ўз тарихига эга. Уларни ҳар бир ҳодисани келиб чиққан конкрет шароит ва вазиятлар, ривожланиш шароити нуқтаи назаридан қараб чиқувчи тарихий ёндашув асосидагина тушуниш ва билиш мумкин. Худди шунинг учун ҳам ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммолари бўйича мунозараларда доимо ўтмишга мурожаат қилинади. Замонавий ижтимоий назариялар ҳамда мафкураравий тизимлар ўтмишни баҳолаш негизида ишлаб чиқилади. Ўтмиш билан ҳозирги замоннинг узлуксиз алоқаси ва ворисийлиги шу тариқа ҳосил бўлади.

Хуллас, юқорида баён этилган илмий таҳлилларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

— «тарихий онг» ва «тарихий хотира» тушунчаларининг моҳияти ҳамда мазмунини очиб бериш учун, биринчи навбатда, «онг», «ижтимоий онг» категорияларининг мазмуни ҳамда моҳиятини аниқ билиш даркор, чунки тарихий онг ва тарихий хотира ижтимоий онг шакллариандир;

— «онг» категориясининг келиб чиқиши, моҳияти ва мазмуни ҳозирга келиб ҳам етарлича ўрганилмаган, лекин улар ҳақида кўп қарашлар фанга маълум. Масалан, мия ўз-ўзича эмас, балки инсон мия ёрдамида фикрлайди. Бунда инсон онгининг моддий негизи инсон организмнинг бутун системаси ва, биринчи навбатда, мия, марказий, периферик нерв системаси, беш асосий сезги органлари ҳисобланади. Онг — объектив реалликни идеал тарзда инъикос эттириш ва акс эттиришнинг олий шакли, объектив оламнинг субъектив образи, ҳиссий ва ақлий образлар мажмуидир;

— тарихий онг жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ва бутун инсоният ўтмиши тўғрисидаги тасаввурлари мажмуидир;

— тарихий хотира — конкрет фактларга муайян тарзда йўналтирилган, ўтмиш ҳақидаги ахборотнинг алоҳида аҳамияти ва долзарблигини ҳозирги замон ва ке-

лажак билан жипс алоқада акс эттирувчи онг. Образли қилиб айтганда, хотира — ижтимоий онгнинг барча шаклларидаги, шу жумладан тарихий онгдаги энг долзарб фактлар сақловхонаси;

— ижтимоий онг шакллари бўлган тарихий онг ва тарихий хотира мазмунан бир-бирига мос келмайди: тарихий онг тарихий хотирага қараганда анча кенг тушунча. Хотира тизим ҳисобланадиган «онг» тушунчасида муҳим, марказий элементлардан бири бўлиб ҳисобланса, «тарихий онг» тушунчасида муҳим, марказий элемент ҳисобланади;

— одамнинг шахс сифатида шаклланиши ва ривожланиши жараёнида инсон дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида бир қатор муҳим босқичлар, даражалардан, шу жумладан инсоннинг ҳам, жамиятнинг ҳам ривожланишида катта роль ўйнайдиган тарихий онг ва унинг муҳим, марказий элементи — тарихий хотиранинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари ҳамда даражаларидан ўтади.

Тарихий онг ва тарихий хотира тушунчаларининг мазмуни, моҳиятини тўлиқ тушуниш учун уларнинг миллий онг тизимидаги ўрнини аниқлаш лозим.

ТАРИХИЙ ОНГ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ МИЛЛИЙ ОНГ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ёшларнинг таълими ва тарбиясига, жумладан, уларда замонавий илмий дунёқарашни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёқараш инсоннинг олам ҳақидаги яхлит тушунчалари, тасаввурларидир. Аниқроқ айтганда, дунёқараш инсон ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши, тушуниши, билиши ва баҳолаши натижасида юзага келган хулосалари, билимлари асосида шаклланган турли мазмун ва даражадаги умумлашмалар тизимидир. Дунёқараш инсон ўзини ва дунёни яхлит англашининг ўзига хос шаклидир. Демак, дунёқараш оддий тушунча эмас, балки инсон фаолиятига, унинг табиат, жамият ҳодисаларини тушунишига, уларга муносабатини белгилашга асос бўладиган маънавий омилдир.

Инсоннинг билимлари, эътиқоди, ҳаётий мўлжаллари, уни ўраб олган ижтимоий муҳит унинг дунёқарашини шаклланишига таъсир этади¹. Дунёқараш инсон фаолиятининг мақсад ва йўналишларини, унинг жамиятдаги позицияси ва мавқеини белгилаб беради. Дунёқараш ижтимоий-тарихий характерга эга бўлиб, ҳар бир даврнинг, ҳар бир авлоднинг, ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос дунёқарашини бўлади. Ҳозир мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган дунёқараш халқимизнинг

¹Қаранг: *Шермухамедов С.Ш.* Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. —Т.:Фан, 2005, 18—41-бетлар.

тарихи, манфаатлари, истиқболини билиш билан боғлиқдир.

Илмий адабиётларда дунёқараш мифологик, диний, фалсафий шаклларга бўлиниши асосланган. Булар дунёқарашнинг умумий кўринишларини ифодалайди. Лекин инсон дунёқарашининг миллий жиҳатлари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Миллий манфаатлар, руҳият, ахлоқ ва одоб нормалари ҳам инсон дунёқарашига таъсир этмай қолмайди. Муаммонинг бу жиҳати ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Дунёқарашнинг миллий жиҳатлари шаклланишига асос бўладиган омиллардан бири миллий маънавиятнинг ўзаги бўлган миллий онгдир. Миллий онг ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида миллий ўзликни англашдир. Миллий онг тарихий онг ҳамда тарихий хотира билан муносабатда бўлиб, бир-бирига таъсир этади. Масалага чуқур ва объектив қаралса, бизнингча тарихий онг ва тарихий хотира миллий онгнинг ядроси, муҳим элементиدير.

Миллий онг, тарихий онг ва тарихий хотиранинг ёшлар дунёқарашига таъсири, айниқса, миллат, мамлакат тарихидаги бурилиш паллаларида яққол намоён бўлади, миллий уйғониш жараёни тезлашишига олиб келади.

Хўш, миллий онг нима, унинг ёшлар дунёқараш шаклланишига бевосита таъсир этадиган жиҳатларини қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумки, ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, унинг миллий онги ва психологиясида ёрқин гавдаланади. Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир. Айни маҳалда шуни назарда тутиш зарурки, «ижтимоий онг — бу объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс этишидир. Шундай экан, ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир. Мазкур этник онгнинг таркибий қисмини уруғ, қабила, элат ва миллатларнинг онги ташкил этади. Этник онг ижтимоий онгга нисбатан

конкрет тушунча бўлиб, унда уруғ, қабила, элат, миллатларнинг ижтимоий ҳаёти, маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, ижтимоий психологияси, дунёқараши акс этади.

О. Файбуллаев фикрича, «ҳозирги замонда яшаётган ёшларнинг онгига Ватанни севиш, умуминсоний ахлоқий-маънавий қадриятларни сингдириш, миллий ўзлигини англатиш; меҳр-шафқатли, виждонли, андишали қилиб тарбиялаш»¹ да миллий онг ва унинг асосий таркибий элементлари бўлган тарихий онг ҳамда тарихий хотиранинг роли улкан бўлиб, улар катта аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий онгнинг шаклларида бири бўлган миллий онг кишилар ўзининг маълум этник гуруҳга мансублигини, ватанининг тарихи, аجدодлари қолдирган анъаналар, маросимлар, мерос ва амалий тажрибани, миллий манфаатларни умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур англаши, муайян муштарак гоё ва мафкурага таяниб, ўз халқи ва ватанининг истиқлоли ва истиқболи йўлида фидо-корона хизмат қилиши, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва манфаатларини ҳурмат қилишидир. Демак, ижтимоий онг — бу объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгида акс этиши бўлса, миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир.

Бунда, масалан, «тарихий хотира этник онгнинг компоненти бўлгани ҳолда, ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида ўрнини босмайди ва, айниқса, уларга зид келмайди, балки улар билан ўзаро муносабатда бўлади»², шунингдек «индивид томонидан ҳозирги замон-

¹ *Файбуллаев О.* Ёшлар онгига истиқдол гоёсини сингдиришнинг ижтимоий моҳияти ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. — 2005. — № 12, 80-бет.

² *Гулямова Д., Никитченко Г.* Историческая память как объект изучения социологии. // Общественное мнение. Права человека. — Ташкент, — 2001. — № 4. — С. 99.

нинг идрок этилиши хусусияти кўп жиҳатдан унинг ўтмишни тушунишига боғлиқ бўлади... Тарихий хотира халқнинг ижтимоий борлигини ривожлантириш истиқболини, яъни келажакни ҳам муқаррар равишда қамраб олади, зеро келажак — ўтмиш ва бугунги куннинг муайян якуни, уларнинг оқибати ҳамда давомидир»¹. Бизнингча, миллий онгда тарихий онг ҳам ўзига хос тарзда ушбу мақомга эгадир.

Ҳар бир халқнинг миллий онги ўсиши унинг миллий маънавияти ривожланиши даражаси, имкониятлари билан белгиланади. Бошқача айтганда, етук миллий онг баркамол миллий маънавиятнинг натижаси сифатида юзага келади. Ҳар қандай миллат ўз қадр-қимматини билиши ва англаши, келажакка комил ишонч билан бориши умумий миллий маънавият, миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира ва дунёқарашнинг ўзаро диалектик бирликда ривожланиши билан белгиланади. Инсон дунёқарашида миллийлик омиллари заиф бўлиши манқуртлик ҳолатини келтириб чиқаради. Манқуртлик тушунчаси кишиларда миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира йўқлиги ёки ниҳоятда заифлигини билдиради. Миллий маънавияти заиф, ватанининг тарихи ва истиқболига бефарқ қарайдиган кишиларнинг миллий онглилик даражаси, дунёқараши ҳам юксак бўлмайди. Улар бошқа халқларнинг маданияти, манфаатлари таъсирида қолиб, ўз ватанининг мустақиллиги, келажакдаги тараққиёти йўлида фидойилик намуналарини кўрсата олмайдилар. Миллий онги ва унинг асосий таркибий элементлари бўлган тарихий онги ва тарихий хотираси заиф бўлган халқ ўз истиқболини олдиндан кўриш, манфаатларини англаш ва ҳимоя қилиш имконига эга бўлмайди.

Бундан кўринадики, миллий онг ва унинг асосий элементлари — тарихий онг ва тарихий хотира оддий

¹ Гулямова Д., Никитченко Г. Историческая память как объект изучения социологии. // Общественное мнение. Права человека. — Ташкент, —2001. — № 4.

ҳис-туйғу эмас, балки муайян даражадаги маънавиятга, ахлоқий, ҳуқуқий маданиятга, илмий асосланган ғоялар ва мафкуравий қадриятларга, тарих тажрибасига асосланган эътиқоддир. Миллий онглиликнинг ёшлар дунёқарашига таъсир этадиган қуйидаги асосий мезонлари бор: миллий онг миллатнинг яхлит ижтимоий этник бирлик сифатида шаклланиши, сақланиши, ривожланишини англашидир ва бу англашда тарихий онг ҳамда тарихий хотира миллий онг тизимидаги асосий элементлар сифатида тарихни акс эттириш вазифаларини бажаради.

Этник бирликлар бир тилда сўзлашиб, бир-бирига яқин бўлган кишилар бир ерга жамланганида эмас, балки улар ўзларининг муштарак, асосий мақсад ва манфаатларини англаб, уларни амалга оширишга ҳамжиҳат бўлиб киришган даврдан бошлаб шаклланади ва ривожланади. Миллатнинг кучи ва имконияти ҳам унинг сони билан эмас, балки вакиллари ўз умуммиллий манфаатларини қай даражада чуқур англаши билан белгиланади. Ҳар бир миллат даставвал ўзининг яхлит этник бирлик эканини англамоғи, тарихи, тақдири, истиқболи, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи, шундан кейингина бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий хусусиятлари ва манфаатларига холис баҳо бермоғи мумкин.

Миллий онг заминида, биринчи навбатда, муайян этник бирликка мансубликни англаш ётади. Бу миллий ўзликни англашнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш миллатнинг тарихи, тақдири, муштарак манфаатлари, тили, маданияти, иқтисодий ҳаёти, миллий хусусиятларини яхлит тушунишдир. Демак, миллий мансублик ҳар бир шахс зиммасига муайян масъулиятни ҳам юклайди. Миллат вакили унинг манфаатлари, мақсадлари билан боғлиқ умуммиллий ғоядан четда тура олмайди. Миллий ғоя, миллий мафкура халқни, миллатни муайян манфаатлар йўлида бирлаштирувчи, уюштирувчи, унинг фаолиятига мақсад ва йўналиш бахш этувчи, шу асосда унинг истиқболини белгиловчи ижтимоий руҳий омилдир.

«Ўзбек» деган сўз биз учун бир этник бирликнинг номигина эмас, балки ифтихор, ҳурмат белгиси, бурч ва масъулият манбаидир. «Ўзбек» деган сўз қулоғимиз остида шунчаки жарангламайди, балки қалбимиз ва руҳиятимизнинг энг нозик торларини тебратади, илҳом, ишонч, кўтаринки руҳ бахш этади. Биз шу миллатнинг фарзанди бўлганимиз билан, унинг тарихи, маданияти, қадриятлари, миллий фазилатлари билан, халқимизнинг ютуқлари билан фахрланамиз, унинг олдидаги бурч ва масъулиятмизни тўлароқ, чуқурроқ англашга ҳаракат қиламиз. Бу миллий онгнинг бирламчи ва асосий пойдеворидир. Ўз халқини бошқалардан кўра кўпроқ севмайдиган инсон бўлмайди. Қанчалик байналмилалчи бўлмайлик, миллий маънавият, ҳис-туйғу қалбимиздан чуқурроқ ўрин олаверади. Бошқа миллатлар орасида бўлганимизда ўзбеклар кўзимизга иссиқроқ кўринадими, тили жаранглироқ туюлади. Бу ҳам миллий онг эътиқод, миллий руҳият даражасига кўтарилганининг белгисидир. Асрлар давомида бундай эътиқод инсон қалбига, ҳатто қон-қонига сингиб кетади, миллатпарварлик, ватанпарварлик даражасига кўтарилади, дунёқарашига чуқур таъсир этади.

Демак, «юксак миллий онглиликнинг яна бир муҳим белгиси — ватанпарварлик, миллатпарварлик бўлиб, улар тарихий онг ва тарихий хотира билан боғлиқ»¹.

Миллатпарварлик ва ватанпарварлик бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тўлдирувчи маънавий фазилатлардир. Ўз халқини севган инсон шу халқ минглаб йиллар давомида яшаб келган, келажак авлодлари ҳам яшайдиган, ривожланиб, ўз бахт-саодатини топадиган ватанини севмаслиги мумкин эмас. Ватан инсон учун она каби ягонадир. Дунёда бой, ривожланган, гўзал юртлар кўп. У ерларда тинч, тўқ, фаровон яшаш ҳам

¹Қаранг: *Рахимова Д.* Историческое сознание как важнейший фактор формирования идеологии независимости. // *Общественные науки в Узбекистане.* —Ташкент, 2004. —№ 2—3. —С. 89— 90.

мумкин. Бироқ бу юртлар ҳақиқий эътиқодли, имонли кишилар учун ҳақиқий Ватан бўла олмайди. Халқимизда, «ўзга юртга подшоҳ бўлгандан кўра, ўз юртингда гадо бўлганинг яхши», деган мақол сабабсиз яратилмаган. Ўзбеклар дунёнинг қаерида бўлсалар ҳам, ўз ватанини унутмайдилар; ватандан қанчалик олисда бўлсак, уни шунчалик кўпроқ севамиз, қўмсаймиз, қадрига етамиз, Мусофир бўлмаган — мусулмон бўлмайди, деганларидек, узоқ юртларга сафарга борганимизда Ватан кўзимизга бошқа мамлакатлардан гўзалроқ, афзалроқ кўринади. Фитратнинг «Ватан қиблагоҳдир», Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Келажак авлодлар учун биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Элим деб, юртим деб ёниб яшамоқ керак», деган фикрларида ҳам худди шу маъно бор.

Ўзбекистон жаҳондаги барча ўзбекларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган, бирлаштирадиган, қадр-қимматини, обрў-эътиборини кўтарадиган ягона Ватандир. Шу ватанни унутиш, унинг манфаатларига хиёнат қилиш — ватанфурушлиқдир. Бизнинг миллий эътиқодимизга кўра, ватанфурушлиқ маънавий тубанликдир.

Ватанпарварлик оддий ҳис-туйғу эмас, балки юксак бурч ва масъулиятдир. Ватанни севаман, деб кўп гапирадиганлар эмас, балки унинг истиқболи, манфаати йўлида фидойиларча хизмат қиладиган кишилар ҳақиқий ватанпарвар бўладилар. Ватанпарварлик, биринчи навбатда, инсоннинг эл-юрт манфаати йўлидаги ҳалол меҳнатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистон жамиятининг энг биринчи вазифаси — «ёшларнинг онгига Ватанни севиш, умуминсоний ахлоқий-маънавий қадриятларни сингдириш, миллий ўзлигини англатиш, уларни меҳр-шафқатли, виждонли, андишали қилиб тарбиялаш»¹дан иборат.

¹ *Ғайбуллаев О.* Ёшлар онгига истиқлол ғоясини сингдиришнинг ижтимоий моҳияти ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. — Тошкент, 2005. — № 1—2, 80-бет.

Ўзбекистон бизнинг яккаю ягона Ватанимиз экан, унинг тақдири барчамизнинг ҳам тақдиримиздир. Шу Ватан тинч бўлса, биз ҳам тинч бўламиз, бой бўлса — бой бўламиз, ривожланса — барча орзу-умидларимиз ушалади. Ўзбекистонни ҳурмат қилувчилар кўп, лекин уни ҳеч ким ўзбеклар сингари севмайди, ҳеч ким Ватанимизнинг истиқболидан, юртда аҳиллик, барқарорлик ҳукм суришидан биз, ўзбекларчалик манфаатдор эмас. Ҳадисларда ҳам «Ватанни севмоқ иймондандир», деган табаррук сўзлар айтилган. Демак, ватанпарварлик имон, эътиқод даражасига кўтарилган маънавий фазилатларнинг биридир. Ватанпарварлик туйғусининг миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира, дунёқараш тизимидаги ўрни, аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Миллий онг, тарихий онг ва тарихий хотиранинг бир-бирига, дунёқарашга таъсир этадиган яна бир жиҳати — миллий бирлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, ҳамкорлик туйғусидир. Миллий бирлик, бирдамлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, аҳиллик маълум миллий ғояга, мафкурага таяниб, англланган муштарак мақсадлар сари боришдир.

Инсон шу туйғу асосида ўзининг алоҳида этник гуруҳга мансублигини англайди, унинг тарихи ва тақдирини чуқурроқ билишга интилади, Ватан, халқ манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатади, ўз халқига мансуб кишилар билан бирлашиб, миллий манфаатларни ҳимоя этишга ҳаракат қилади. Миллий бирлик туйғуси миллий онги, тарихий онги, тарихий хотираси ва дунёқарашига чуқур сингиб кетган миллатларгина ёрқин истиқболга эга бўлади, ўз мақсадларига эришади. Уларни итоатли қулларга айлантириш осон бўлмайди. Миллий бирлик, масъулият туйғуси заифлашиши мамлакат, халқ ҳаётида содир бўладиган маънавий инқирозларнинг бош сабабларидандир. Миллий онглилик, тарихий онг, тарихий хотира миллат ўзини ўзи мустақил идора қила олишини ҳам ифодалайди. Бунинг учун тарихий онг ва тарихий хотира мил-

лий онг элементлари сифатида кишиларнинг дунёқараши даражасига кўтарилиши керак, чунки «хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аجدодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилиқ тарихи исботлаб турибди»¹. Айни маҳалда «хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аجدодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир»². Миллий бирлик, бирдамлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик ғояси иқтисодий, сиёсий, руҳий мустақилликка эришиш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий, сиёсий, руҳий жиҳатдан бошқаларга қарам бўлган мамлакатда мустақил миллий давлат барпо этиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш қийин. Миллий бирлик, бирдамлик барқарор бўлган жойдагина миллий давлат, тил, маданият, қадриятлар, анъаналар юксалиб, миллий мақсадлар ва манфаатлар амалга ошиши учун кенг имкониятлар юзага келади.

Миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира миллий бирлик — миллий ирода, миллий виждоннинг ҳам асосидир. Миллий бирлик аввало кишиларнинг қалбида мафкура, эътиқод, ахлоқ, ирода, бурч, виждон сифатида шаклланади, шундан кейингина катта тарихий, ижтимоий-сиёсий куч сифатида аҳамият касб этади ва дунёқарашга таъсир кўрсатади. Айни маҳалда тарихни объектив, чинакам билиш миллий онгни шакллантириш билан бирга, ёшларни сепаратизм юзага келишидангина эмас, балки диний экстремизм, миллатчилик ва шовинизмдан ҳам ҳимоя қилишда ишончли қалқон бўлиб хизмат қилади.

Мустақилликни қўлга киритиш, унинг имкониятларидан самарали фойдалана билиш ҳам миллий ирода, миллий виждон туйғуси қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Мустамлакачилик даврларини қўм-

¹ Каримов И.А. Хотира чироғи ўчмайди. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. —Т.:Ўзбекистон, 1999. 7-том, 407-бет.

²Уша жойда, 407-бет.

саш, қандай шароитда, кимнинг қўли остида яшасак ҳам қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлса, бизга шунинг ўзи етарли, деб ўйлаш миллий онг, ирода, эътиқод заифлигининг белгисидир. Миллий ирода миллий манфаатларни ҳимоя қилишда маълум қийинчиликларга бардош бера билиш ҳамдир. Миллий бирлик тарихимиз ва тақдиримиз бирлигини ҳам англашдир.

Миллат вакиллари ўртасида бирдамлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, умумий мақсадлар йўлида бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб ҳаракат қилиш масъулияти фақат шу асосдагина шаклланади. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира даражаси пастлигидан, кишилар ўзларининг бир этник гуруҳга мансуб эканликларини чуқур англаб етмаганлигидан, дунёқарашнинг миллий замини заифлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз тараққиёт йўлини танлаб олган ҳозирги шароитда маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка қарши кураш олиб бориш катта амалий аҳамиятга эга. Ёшлар, қайси вилоятдан бўлишидан қатъи назар, бир миллатнинг вакили эканликларини, миллий бирлик ва бирдамликни таъминлагина Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш мумкинлигини чуқур англаб етмоқлари керак. Миллий бирлик туйғуси кишиларнинг қалбида чуқур томир отмаса, имон ва эътиқодга айланмаса, миллатнинг истиқболи порлоқ бўлмайди, миллий онг ўсмайди ва мамлакат ривожланмайди. Миллий онгда, тарихий онгда, тарихий хотирада миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлиги акс этиши жаҳондаги барча халқларнинг тарихи ва тақдири бир-бири билан боғлиқлигини билиш натижасидир¹.

¹Қаранг: Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш — давр талаби. —Т.: Меҳнат, 2000, 9—16-бетлар; Ортиқов Н. Маънавий: миллий ва умуминсоний қадриятлар. —Т.:Ўзбекистон, 1997, 15—31-бетлар.

Бу боғлиқлик жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида яна ҳам ёрқин кўзга ташланмоқда. Ўзбекистоннинг истиқболи ўз имкониятларимизгагина эмас, балки бошқа халқлар, мамлакатлар билан дўстона ҳамкорлик ва алоқаларимиз ривожига, жаҳонда тинчлик, барқарорлик мустаҳкамланишига ҳам боғлиқдир. Қўшни мамлакатларда бўладиган қонли воқеалар фақат қардош халқларнинг фожиаси эмас, ёнма-ён яшаётган халқларнинг ҳам ривожига салбий таъсир этувчи бир омилдир. «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган ўзбек мақолининг мазмунида ҳам шу фикр ифода этилган. Шу сабабдан ҳам, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи ҳақида ўйлар эканмиз, қўшни мамлакатларда бўлаётган воқеаларга бефарқ қарай олмаймиз, уларнинг тинч тараққиётидан биз ҳам манфаатдормиз.

Миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира ривожланиши миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш, ҳаётга кенг жорий қилиш билан ҳам боғлиқдир. Миллий ўзликни англаш жараёни чуқурлашишининг асосий шартларидан бири ҳам шудир. Биз ўзбеклар инсониятнинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатган бой маданий мерос, буюк қадриятларнинг эгасимиз. Ота-боболаримиздан қолган улкан моддий ва маданий меросни бир дарё деб тасаввур этсак, бу борадаги билим ва тасаввурларимиз ҳозирча ундан бир томчи, холос.

Яқин-яқингача ўз маданий меросидан беҳабар бўлиб қолган миллатлар орасидан ўрин олган эдик. Бу бизнинг миллий лоқайдлигимиз билан белгиланган фожа эмас, балки 135 йил давомида изчиллик билан амалга ошириб келинган мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. Ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан бири ҳам феодал тарқоқлик, мустамлакачилик ва совет тузуми даврида келиб чиққан ғафлат уйқусидан тезроқ уйғониш, миллатимизнинг истеъдоди, қобилияти, қадр-қимматини жаҳонга тўлароқ намоён этиш, ёшларни тарихий мерос ва қадриятларимиз билан яхшироқ қуроллантиришдир. Токи ўзбеклар ким эканини улар-

нинг ўзигина эмас, балки жаҳондаги бошқа халқлар ҳам яхши билсин. Яқин вақтга қадар ўтмиш аجدодларимизнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси ўзимиздан кўра, дунёдаги бошқа кўплаб мамлакатларда маълум ва машҳур эди¹.

Тарих ўтмишдаги воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки катта тарбиявий омил ҳамдир. Тарихий воқеаларни билиш асосида кишиларда ўз халқига нисбатан ҳурмат, муҳаббат туйғулари шаклланади, ёшлар ота-боболарининг қилган ишлари билан фахрланишни ўрганадилар, шу асосда миллий ифтихор сингари етук маънавий фазилатлар шаклланади, миллий онг ўсади, дунёқараш мустаҳкамланади.

Тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг миллий бурч ва масъулиятни англаш ҳамдир. Масъулият ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини миллат, миллий давлат манфаатлари билан боғлай олишидир, бу борадаги ўз бурчини ҳис қилишидир. Миллий бурч ва масъулиятнинг муҳим жиҳати миллий манфаатларни англашда кўринади. Шахс ва унинг манфаатларини сиёсий ақидалар соясида қолдириб кетган, мавҳум ижтимоий манфаатларнинг тўла ҳукмронлигини таъминлашга мослаштирилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, шунга асосланган мафкура барҳам топади².

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида шахс, унинг фаолияти, қобилияти ва имкониятлари, манфаатлари тобора серқирра бўлиб кўзга ташланмоқда. Лекин бу янги шароитлар ва имкониятлар ҳар бир шахс фақат ўз манфаатлари доирасида қолиб кетиб, бошқалар билан иши бўлмаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Шахсий худбинлик ҳам дунёқараш заифлигининг кўринишидир. Агар кишилар ўз мақсадлари қобиғига ўралиб қолиб, уларнинг ҳар бири алоҳида дунё бўлиб қол-

¹Қаранг: Туленов Ж., Жабборов И. Тарихий онгни ривожлантириш — давр талаби. —Т.: Меҳнат, 2000, 21—26-бетлар.

²Қаранг: Туленов Ж. Маънавият ва ижтимоий тараққиёт. —Т.: Меҳнат, 2000, 15—21-бетлар.

са, манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб кетади. Бундай ҳолда маънавий тубанлашиш бошланади, жамиятда ижтимоий фалокатлар юз беради. Шахсий манфаатлар муаммоси қанчалик тез ва ҳар томонлама ҳал этилмасин, барибир, ҳар бир инсон мавжуд ижтимоий муносабатлар мажмуасига киради. У қанчалик ақлли, тадбиркор, ишбилармон бўлмасин, бутун ҳаётий фаолияти одамлар жамоасидаги, миллат, давлат ҳаётидаги муносабатлардан ташқарида бўлмайди. Бу борадаги боғлиқлик ҳар бир шахсга муайян бурч ва масъулият талабларига риоя қилиш мажбуриятини ҳам юклайди. Инсонлар муайян жамиятда бирлашиб яшашининг асосий шартларидан бири ҳам миллий ва фуқаролик масъулияти бирлиги ҳисобланади. Масъулиятни сезмай, ўз ҳуқуқи учун курашиш ҳам маънавий заифликнинг белгисидир. Бурч, масъулият туйғуси инсон ўз ҳаққи, ҳуқуқини, жамият олдидagi бурчини англашига асос бўладиган маънавий заминдир. Чунки «бунга тарих гувоҳ... бизга берган буюк неъмат — маънавиятга ҳеч қачон хиёнат қилмаганмиз, қилмаймиз ҳам»¹.

Ўз ҳуқуқини таниган, талаб қилган инсон бошқаларнинг ҳам ҳуқуқини ҳурмат қилмоғи зарур. Акс ҳолда шахснинг ўз ҳуқуқи учун курашиши худбинликка айланади. Жамиятда тараққиёт, тинчлик, тотувлик, оёйишталик, инсонпарварлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик қарор топсагина шахснинг орзу-умидлари ушалади. Ҳар бир шахс ўзини жамиятнинг, халқнинг бир бўлаги деб билиши, манфаатлар муштарақлигини тушуниши, фаолиятида ўз халқи, Ватани, бошқа миллатлар, мамлакатлар ва бутун инсоният манфаатларини ҳам эътиборга олиши унда тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг бирлигига асосланган дунёқараши етуклигининг ифодасидир.

¹Норматов И. Маънавият — бебаҳо бойлик. //Эркин ва фаровон ҳаётини юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. —Т.: Ўзбекистон, 2006, 70-бет.

Мамлакат, миллат манфаатларини ўйламайдиган киши ўз тақдирига ҳам бефарқ қарайди. Шунинг учун инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши миллат ва мамлакат манфаатларини чуқур англаши билан ҳам боғлиқ. Мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида инсон маънавий масъулиятининг тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ўсиши билан боғлиқ бўлган фуқаролик масъулиятига алоқадор томонларига ҳам жиддий эътибор бериш зарурияти кучаймоқда. Шунинг учун айрим вақтда «арзимаган ҳаётини масалаларни ҳам ўз шахсий манфаатини кўзлаб, жанжал ва суд орқали ҳал қилиш, ортиқча можароларга бориш, ўйлайманки, бундай йўл халқимизга маъқул бўлмайди»¹.

Фан ва техника тараққиёти ютуқларини тўла ўрганиш, ривожлантириш, ҳаётга тезда ва самарали татбиқ этиш ҳам миллий онг ўсишининг, шу асосда ёшлар фаоллиги кучайишининг йўлларидадир.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагига ҳашаматли бозорлар, масжидлар орқали эмас, балки замонавий фан ва техника ютуқларини тўла эгаллаб, шулар асосида халқ маънавиятини шакллантириб, ўқув юртлари, илмий ташкилотларнинг эшиклари орқали кириб борамиз. Шу сабабли ҳам халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, замонавий фан, техника, маданият асосларини чуқур эгаллаган кадрларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда. Бу ҳам миллий онг давр талаблари, имкониятлари ва эҳтиёжлари асосида ўсишининг асосий шартларидадир.

Етук миллий онг бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, кадр-қимматини ҳурмат қилишни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳудуди ҳамма вақт кўп миллатли бўлган. Бу ўлкада минг йиллар илгари ҳам, ўзбеклардан ташқари, қozoқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қo-

¹Каримов И.А. Конституция — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори. —Т.:Ўзбекистон, 2003, 22-бет.

рақалпоқлар, уйғурлар ва бошқаларнинг ота-боболари яшаганлар. Миллий муносабатларни ижтимоий адолат мезонлари асосида ривожлантириш, барча халқларнинг тили, маданияти, урф-одатларига ҳурмат билан қараш, уларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб бериш, ҳамма соҳада дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликни таъминлаш мустақил ўзбек халқи миллий онги, дунёқараши ўсиши даражасининг кўрсаткичидир.

Ўзбек халқи ҳамма вақт мусофирпарвар, меҳмондўст бўлган. Бу бизнинг оддий одатимиз эмас, балки мустаҳкам миллий эътиқодимиздир. Ҳадисларда ҳам шундай маънодаги табаррук сўзлар бор: кимки мусулмон мамлакатада яшовчи, бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан саваланади. Яна кимки сулҳ битими билан яшаётган ғайридинни ўлдирса, у жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Бу фикрлар турли миллатларга мансуб бўлган кишилар ўртасидаги муносабатлар маданиятига оиддир.

Миллий онгнинг, тарихий онгнинг, тарихий хотиранинг етуклиги миллий тилга муносабатда ҳам яққол намоён бўлади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий тилга эътибор — элга эътибор эканини кўрсатиб ўтган эди. Ҳар бир халқнинг ўз тилига эътибори ҳам миллий ўзлигини англаши даражасининг ифодасидир.

Республикамизда тарихий онг, тарихий хотира, миллий онг, масъулият туйғуси юксалиши маҳаллий аҳолининг ўз она тили тақдирига бўлган муносабатида яққол намоён бўлди. 80-йилларнинг ўрталари ва охирида ўзбек тилига давлат тили мақоми беришни талаб қилиш катта ижтимоий ҳаракатга айланди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1989 йил 21 октябрда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»-ги Қонуни қабул қилинди. Бу миллатимиз тарихидаги катта воқеадир. Иш юритишда, илмий тадқиқот ишларида, таълим-тарбия соҳасида ўзбек тилини қўллашни чеклашга шу йўл билан барҳам берилди. Дунёдаги энг

бой тиллардан бири бўлган она тилимиз яна ўз қудратини тўла намоён қилиш, ривожланиш имконига эга бўлди. Лекин бу тадбирлар ўзбек тилига алоҳида имтиёзлар яратиб бериш учун қилинган эмас. Гап ўзбек тили республикамиз маънавий ҳаётида ўзига муносиб ўринни эгаллаши устида бормоқда.

Тарихий онг, тарихий хотира, миллий онг миллатнинг обрўси, қадр-қимматини ҳам ҳимоя қила билишдир. Ўзбеклар, қарс икки қўлдан чиқади, деб бекорга айтмайдилар. Бошқа халқларнинг миллий хусусиятини, маданияти, тилини, манфаатларини ҳурмат қилар эканмиз, ўз миллатимизга ҳам шундай адолатли муносабатда бўлишни талаб қилишга ҳаққимиз бор. Аҳолининг айрим вакиллари орасида ўзбек тилини менсимаслик кайфияти ҳозир ҳам учраб туради. Айрим кишилар инглиз, француз, араб, хитой тилларини ўрганаётган бўлсалар ҳам, ўзбек тилини билишга иккинчи даражали вазифа деб қарамоқдалар. Бошқа тилларни ўрганиш маънавий камолот омили экан, нима учун ўзбек тили шу тушунча доирасига сифмай қолди?

Тарихий онги, тарихий хотираси ва миллий онги етук миллат бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, қадриятларига қанчалик кўп ҳурмат билан қарамасин, биринчи навбатда ўз миллий руҳи, миллий маънавиятининг барқарор ривожланишига катта эътибор беради¹. Бу асло инкор этиб бўлмайдиган маънавий эҳтиёждир. Ҳозир Ўзбекистонда халқимизнинг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мероси, миллий давлатчилиқни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, ахлоқ, одоб борасидаги қадриятларни ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш учун қатъий ҳаракат бошланди.

Бўлиб ўтган воқеаларнинг конкрет шароит ва имкониятлар билан белгиланган моҳиятига таяниш ўтмишга тўғри баҳо беришнинг бош мезонидир. Бу муаммо

¹ Саидов М. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. //Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. —Т.:Ўзбекистон, 2006, 23—35-бетлар.

таҳлилида ҳам тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг қай даражада ривожланганлиги яққол кўзга ташланади. Баъзан учраб турадиган миллий калондимоғлик ҳам етук тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онгнинг белгиси эмас. Тарихий ўтмишга, маданий меросга баҳо беришдаги бирёқламалик ҳозирги кунда ҳам юз бермоқда. Бу ҳам вақтинчалик эҳтирос ва ҳиссиётларнинг миллий онгга, тарихий онгга, тарихий хотирага таъсири борлиги билан белгиланади.

Ижтимоий тараққиётнинг мураккаб бурилиш давларида баъзан эҳтирос ва ҳиссиётлар ақл-идрокдан устун келиб қолиши мумкин. Бу ҳам жамиятдаги тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ривожини ҳамда маънавий камолот даражасини кўрсаткичларидан биридир. Ҳар қандай шароитда ҳам тарихий жараёнлар моҳиятини баҳолашга босиқлик, ақл билан ёндашмоқ зарур. Халқимиз, жаҳл чиққанда ақл кетади, жаҳлни ҳам ақл бошқарсин, деб бекорга айтмаган.

Ўтмишни қоралашга, камситиш ва сохталаштиришга қаршилиқ уни идеаллаштиришга ҳам олиб келмаслиги керак. Бундай ҳол ҳам миллий онг ўсишидаги бирёқламаликни кўрсатади. Тарихни, миллий маданиятни ва миллий хусусиятларни идеаллаштириш ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашишдир. Тарихни идеаллаштириш илмий ҳақиқатни излаш йўлидаги бирёқламаликнинг иккинчи томонидир.

Миллий уйғониш жараёни тезлашаётган ҳозирги кунларда бундай ҳолларнинг кучайишига йўл қўйиб бўлмайди. Айрим зиёлилар баъзи ҳолларда тарихий воқеаларни ёритишда, шахслар фаолияти ва меросига баҳо беришда, миллий ва диний анъаналар, расм-русмлар, урф-одатларни баҳолашда бўрттиришларга йўл қўяётганликларини ҳозир ҳам кўриш мумкин. Бу ҳаракатлар ўткинчи бўлса ҳам, тараққиётнинг масъулиятли давларида ёшларнинг ижтимоий, тарихий ва миллий онги, тарихий хотираси, дунёқараши нотўғри шаклланишига олиб келади.

Тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишнинг маънавий замини бўлади¹. Тафаккури, салоҳияти кучли бўлган инсон ўз келажакига комил ишонч билан қарайди. Етук миллий онг тарихий онг ва тарихий хотира билан бирликда ўтмиш мероси ва анъналарига кўр-кўрона тақлид қилишни истисно этади. Истиқбол муаммоларига ўтмишдаги тажриба, ишлаб чиқариш шакллари, турмуш тарзи, ахлоқ-одоб нормаларинигина эмас, балки ҳозирги давр имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб ёндашмоқ керак. Тараққиёт йўлидан олға қараб борар эканмиз, бу шароитда фақат ўз ўтмишимиз билангина фахрланиб қолмай, бошқа ривожланган мамлакатлар ва халқлар орттирган ижобий сабоқлардан ҳам ўрнатқолмоғимиз зарур. Ахлоқ, одоб борасидаги миллий меросимизга қанчалик меҳр, эътиқод билан қарамайлик, умуминсоний қадриятларни четлаб ўтиб, маънавий камолот чўққиларига чиқа олмаймиз. Бу борадаги миллий қадриятларимиз маънавиятимизнинг асоси бўлса ҳам, ҳозирги давр талабларига мос келадиган билимли, ишбилармон, юксак ахлоқ ва одобли шахсни тарбиялаш учун етарли бўлмайди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасидаги тарихий тажриба тўғрисида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу борада ҳам ўтмиш тажрибасини идеаллаштириш, уни миллий истиқлолнинг ягона йўли деб қараш хатодир. Ўзбеклар ўтмишда миришкор деҳқон, моҳир ҳунарманд ва тижоратчи бўлгани ҳаммага маълум. Лекин ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиётимизнинг истиқболига ёндашишнинг давр тақозоси билан белгиланган янги мезонлари ҳам борлигини унутиб бўлмайди².

¹Қаранг: *Каюмов У.К.* Роль национального самосознания в формировании жизненной позиции молодежи Узбекистана. // *Общественные науки в Узбекистане*. — Ташкент, 2003. — № 6. — С. 53—56.

²Қаранг: *Бойтўраев Т.* Аждодлар мероси ва комиллик тарбияси. // *Мулоқот*. — Тошкент, 2005. — № 2, 26—27-бетлар.

Мустақил тараққиётимизнинг бош омили ҳозирги замон фани ва техникаси ютуқларини тўла эгаллаш, ривожлантириш, ҳаётга татбиқ қилишдир. Бу йўл тўғрилигини ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳам исботламоқда. Мустақил Ўзбекистон учун малакали, билимли ишчилар, муҳандислар, бошқа мутахассислар, фан ва техникани ривожлантиришга қодир бўлган олимлар керак. Буларсиз Ўзбекистонни келажаги буюк давлатга айлантириш мушкул. Давр руҳига мос миллий ўзлигини англаш бу муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Биз юқорида миллий онгнинг ҳамда унинг таркибида бўлган тарихий онг ва тарихий хотиранинг ёшлар дунёқараши шаклланишига таъсир этувчи айрим томонларини кўриб чиқдик, бинобарин, юқоридагилар бўйича айрим хулосалар чиқариш мумкин:

— миллий онг — ижтимоий онгнинг бир шакли. Бу — кишилар ўзининг маълум этник гуруҳга мансублигини, ватан тарихининг ажодлар қолдирган анъаналар, маросимлар, мерос ва амалий тажрибани, миллий манфаатларни умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур англаш, муайян муштарак гоё ва мафкурага таяниб, ўз халқи ва ватанининг истиқлоли ҳамда истиқболи йўлида фидокорона хизмат қилиш, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва манфаатларини ҳурмат қилишдир;

— миллий онг моҳияти жиҳатидан кенг тушунчадир: унинг таркибида кўп элементлар бўлиб, тарихий онг билан тарихий хотира ҳам шу элементлар қаторида муҳим ўрин тутadi. Шу сабабли миллий онгнинг ёшлар дунёқарашига таъсир этиш имконияти катта. Миллий онг ўз таркибидаги тарихий онг ва тарихий хотира ёрдамида ёшлар дунёқарашига миллий тарих, миллий руҳият, миллий маънавият, миллий манфаатларни англаш, уларни қадрлаш, ҳимоя қилиш, бошқа миллатларга, уларнинг маданиятига, тарихига холисона ёндашиш орқали ўзи билан боғлиқ фазилатларни киритади. Ёшлар дунёқараши мустақамланиши ҳам, ўз навбатида, миллий онгнинг янада ўсишига таъсир этади;

— ҳозирги кунда ёшларда умуман дунёқарашни шакллантириш эмас, балки уни миллий манфаатларни тарихий онг билан, тарихий хотира билан, миллий онг воситасида англаш билан чуқурроқ боғлаш зарурияти кучайиб бормоқда. Мустақил давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ғоявий-мафкуравий асослари мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитда бу ишнинг аҳамияти каттадир. Ҳар бир фуқарога барча масалаларга мамлакат, миллат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашишни ҳам ўргатиш керак. Бу ишлар ўқув юртларида, умуман барча ёшлар ўртасида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари тизимида катта ўрин олиши лозим. Зеро, мустақиллик шароитида тарбия ва таълим ўзининг миллий жиҳатларини янада кенгроқ намоён этмоқда.

ЁШЛАРДА ТАРИХИЙ ОНГ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ДИНАМИКАСИ

Тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш индивидни ижтимоийлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб ҳамада давомли жараёндир.

Ижтимоийлаштириш деганда индивиднинг ижтимоий шахс сифатида қарор топишини тушуниш расм бўлган. Бунда ижтимоийлашув жараёнида индивид пассив идрок этадиган мавжудот бўлмай, атроф олам билан ўзаро муносабатга киришади. Бинобарин, тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш жараёни ижтимоийлаштириш жараёнининг ажралмас қисмидир.

Тадқиқотчилар киши маданий кўникмаларни гўдаклигида ва илк болалигида фаол ўзлаштиради, деган фикрда яқдилдилар¹. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон ёшларининг узлуксиз таълими тизимини ривожлантиришда мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларигагина эмас, балки мактабгача тарбияга ҳам катта аҳамият берилаётгани тасодиқий ҳол

¹Қаранг: *Рубинштейн С.Л.* Основы общей психологии. —М.: Педагогика, 1989; *Виготский Л.С.* Собр. Сочинение в 6 т. —М., 1983. Т. 3; *Джемс У.* Психология. —М.: Педагогика, 1991; *Фрейд З.* Введение в психоанализ. Лекции. —М., 1989; Мировоззренческое воспитание личности. —Т.: ТГПИ им. Низами, 1991. —С. 17—63; *Гаджиев А.М.* Алфавит сознания. —Т.: ТГУ, 1999. —С. 18-30; *Холматова М.* Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. —Т.: Ўзбекистон, 2000, 90—110-бетлар. *Широкова И.Г.* Социология. —М.: Приор, 2001. —С. 54-85; *Мухамедова З.М.* Парадигма гуманизации, образования. —Т.: ТашМИ, 2004. —С. 115—121; *Меджидова А.Х.* Экоантропокосмизм. —Т.:Фан, 2006. —С. 155—163.

эмас. Маданиятни ўзлаштириш олти-етти ёшгача давлат ва нодавлат мактабгача болалар муассасаларида ҳамда оилада амалга оширилади¹.

Ҳозирги адабиётларда инсоннинг шахс сифатида ривожланишининг турли босқичлари ҳамда динамикаси ажратиб кўрсатилади. Масалан, гўдаклик ёши — 0 дан 2 ёшгача, илк болалик — 2 ёшдан 4 ёшгача, болаликнинг ўртаси 5—7 ёш; болаликнинг охири — 8—12 ёш; ўсмирлик даври — 13—17 ёш; ёшлик — 18—22 ёш; улғайиш — 23—30 ёш; ўтиш даври — 30—35 ёш; етуклик — 35—50 ёш; кексалик — 51—65 ёш; қарилик — 65 ёшдан юқори². Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши жараёнини нисбатан умумлаштириб, қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуклик, кексалик даврлари.

Мактабгача ёш — кишини шахс сифатида шакллантиришнинг муҳим даври. Кишилар билан алоқада бўлмай ўсган болаларда онда-сонда бўлсада учрайдиган ҳолатларнинг кўрсатишича, ижтимоий жиҳатдан нормал бўлмаган муҳитда индивидни бир оз бўлсада муваффақиятли шакллантириб бўлмайди. Бу ёшда муваффақият билан шакллантириш мумкин бўлган фазилатларни эса ривожланишнинг нисбатан кеч келадиган босқичларида ҳосил қилиб бўлмайди³.

Мактабгача ёшда маънавий кўникмаларни ўзлаштириш оддий жисмоний одатларни ост онг даражасида ўзлаштириш билан узлуксиз боғлиқ равишда кечади. Афтидан, бола бу ёшда ҳали Ватанидан, ўз халқига мансубликдан фахрланиш сингари тушунчаларни анг-

¹Қаранг: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. //Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т.: Шарқ, 1998, 47-бет.

²Қаранг: *Абрамова Г.С.* Возрастная психология. —М.: АП, 2001. —С. 356-622.

³Қаранг: *Гидденс Э.* Социология. —М.: Эдиториал УРСС, 1999. —С. 68-71.

ламаса керак, маданиятни ўзлаштириш эса уни атрофдагилар ва, биринчи навбатда, ота-онаси қанчалик эгаллаганига боғлиқ бўлади. Йирик олим У. Жемснинг фикрича болаликда хотира кучли даражада фаол ва ҳаракатчан бўлади: «Бу даврда (қарилик даврида — Ф.Ф.) болаликда ҳосил қилинган йўлларнинг ажойиб тарзда барқарор эканлиги аён бўлади: ёши улуг кекса киши бошқа ҳамма нарсани унутса ҳам, илк ёшлигидаги хотираларини сақлаб қолади»¹, — деб таъкидлайди У. Жемс.

Ҳозир болаларнинг ривожланишига тааллуқли бир қанча асосий назариялар мавжуд. Айки маҳалда, ўзлигини англашнинг ҳосил бўлиши фавқулодда баҳсли масала бўлиб қолмоқда².

3. Фрейд (1856—1939)нинг концепцияси асосий назариялардан бири бўлиб қолмоқда³. Унда ижтимоийлашувнинг эмоционал таркибий қисмларига, бола ўз майлларини қай тарзда назорат қилишига катта эътибор қаратилган. Бу — киши учун энг муҳим босқич. Инсоннинг ўзлигини англаши ҳамда ёши катта, шаклланиб бўлган шахснинг хулқ-атвори илк болаликдаги таассуротларга асосланади. Фрейд ўзлигини англаш ост онг шиддатини босиш воситасида ривожланади ва ижтимоий нормалар билан ўзининг онгсизлиги ўртасидаги мутаносибликка риоя этишга боғлиқ бўлади⁴, деб ҳисоблайди.

Америкалик социолог ва файласуф Ж.Г. Мид (1863—1931) болада унинг ўз Мени ҳиссини шакллантиришни муҳим деб таъкидлаганди. Боланинг ижтимоийлашуви ўйин шаклида, катталарнинг хатти-ҳаракатига тақ-

¹Джемс У. Психология. —М.: Педагогика, 1991. —С.193.

²Қаранг: Гидденс Э. Социология. —М.: Эдиториал УРСС, 1999. — С. 76.

³Қаранг: Фрейд З. Введение в психоанализ. Лекции. —М.: 1989. — С. 11—12.

⁴Ўша жойда. —С.344-349.

лид тарзида юз беради, деб ҳисоблаганди у¹. Булар ролли ўйинлар бўлиб, инсоннинг ўзлигини англаши шу орқали содир бўлади. Яъни ижтимоийлашув жараёни боланинг ихтиёрсиз истакларидан ўзига четдан туриб қарашга қодир ижтимоий шахсга қараб юриш орқали юз беради. Бу беш ёшга бориб шаклланади. Навбатдаги босқич боланинг умумий қадриятлар ва ахлоқий йўл-йўриқларни, маданий анъаналарни билишидир. Бу давр саккиз-тўққиз ёшдан бошланади. Яъни, бу даврда болада фаол ва англаган ҳолда шаклланиш, шу жумладан тарихий онг ва тарихий хотиранинг шаклланиши содир бўлади. Мазкур жараёнларда бола онгининг ривожланишида унинг янгидан-янги сўзларни ўзлаштириши муҳим роль ўйнайди, чунки «қуёш томчи сувда акс этганидек, онг ўзини сўзда акс эттиради. Кичик олам катта оламга, жонли ҳужайра организмга, атом космосга кирганидек, сўз онгга тааллуқлидир. У онгнинг кичик оламининг айнан ўзидир. Тушуниб олинган (англанган) сўз инсон онгининг микрокоинотидир»².

Швейцариялик олим Ж. Пиаже (1896—1980) концепцияси энг кўп ёйилган назариялар жумласига киради; унда асосий эътибор когнитив ривожланишга қаратилди³. Когнитив ривожланиш ўзи ҳақида ҳамда атрофидагилар ҳақида ўйлаш қобилиятини англатади. У боланинг содир бўлаётган ҳодисалар маъносини англашга фаол уринишини, айниқса, муҳим, деб ҳисоблаганди. Бола ахборотни ўзига шунчаки сингдирмайди, у фаол бўлиб, ундан танлаб олади ва ўзича талқин қилади.

Ж. Пиаже боланинг когнитив ривожланишини бир неча босқичга бўлганди⁴:

¹Бу ҳақда батафсил қаранг: *Андреева Г.М.* Социальная психология. —М.: Аспект Пресс, 2001. —С. 45, 112—113, 121.

²*Выготский Л.С.* Собр. Сочинение в 6 ти т. —М.: Педагогика, 1983. Т.3. —С. 301.

³Қаранг: *Пиаже Ж.* Избранные психологические труды. —М., 1994. —С. 17-49.

⁴Ўша жойда. 17-49-бетлар.

— сенсомотор босқич бола ҳаётининг дастлабки икки йилини ўз ичига олади. Ўрганиш асосан предметларни тутиб кўриш, уларни ўйнаш орқали содир бўлади. Бола одамлар ва предметлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини, атроф олам эса хилма-хил ва муҳим хусусиятларга эга эканлигини аста-секин тушуниб боради;

— амалиётни бошлашдан олдинги (дооперациональная) босқич — икки ёшдан етти ёшгача бўлган давр. Болалар тилни ўзлаштириб, воқеликни акс эттириш учун рамзий образлардан фойдалана бошлашади. Бироқ улар ўзларининг ақлий қобилиятларидан фойдаланишга қодир эмаслар. Болалар оламни ўз нуқтаи назарлари орқали талқин қилишади. Яъни уларнинг нуқтаи назари — ягона;

— «конкрет амалиёт» даври етти ёшдан ўн бир ёшгача давом этади. Бунда абстракт мантиқий тушунчаларни ишлатиш қобилияти ривожланади;

— «расмий амалиёт» даври — ўн бир ёшдан ўн беш ёшгача давом этади. Муаммога дуч келган болалар унинг хилма-хил ечимларини танлашга ва лозим бўлган ечимни қабул қилиш учун уларни баҳолашга қодир бўладилар.

Гарчи дастлабки уч босқич ҳар қандай маданият учун универсал бўлсада, катта ёшли кишиларнинг ҳаммаси ҳам сўнгги босқичга етиша олишмайди. Тўртинчи босқичдаги ривожланиш эса кишининг маълумоти даражаси ва ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлади.

Фрейд, Мид, Пиаже назариялари орасида катта тафовут мавжуд, бироқ, шунга қарамай, бола ижтимоийлашувининг умумий манзараларини яратиш мумкин. Тил кўникмаларини ўзлаштиришга қадар ривожланиш онгсиз давом этади, бироқ кейинчалик ушбу ривожланиш жараёни тобора кўпроқ шахснинг шаклланаётган онги таъсири остида содир бўлади.

Ривожланишнинг биологик жиҳатдан тақозо этилган омилларининг таъсири катта бўлсада, ижтимоийлашувнинг ижтимоий шартлари муҳим роль ўйнайди. Бундай гуруҳлар ижтимоийлашув агентлари деб аталади. Бунда, Л.С. Выготский тўғри таъкидлаганидек, «боланинг маданий ривожланиш тарихи бизни шахснинг ривожланишига олиб келади»¹.

Барча маданиятларда оила ижтимоийлашувнинг энг муҳим агентларидан бири ҳисобланади². Маълум бўлишича, оилада инсон маданиятига асос солинади, биринчи босқичда шахс, унинг асосий социомаданий йўл-йўриқлари шаклланади, шу жумладан бола оилада ўз халқи, анъаналари, урф-одатлари, кўникмалари, бошқа халқларга муносабати тўғрисидаги ўз тасаввурларини ота-онасидан олади, яъни тарихий онг ва тарихий хотира асослари ҳам яратилади. Болалар ўз ота-оналарининг, шу жумладан атрофдагиларнинг хулқ-атвор моделларини ўзлаштиришади. Оиланинг таъсири ижтимоийлашувнинг биринчи босқичида, айниқса, муҳим.

Оила ва қариндошлик муносабатлари этикаси маънавий қадриятларнинг қудратли манбаидир³. Бу «оила кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдевори» эканлиги билан ҳам боғлиқ. «Шунга кўра, жисмонан соғлом, маънан баркамол, ахлоқан пок ва юксак маданиятли ёш авлодни вояга етказиш оиладан бошланади. Оила ҳаётининг асосий мақсади аҳолини қайта тиклаш, болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатидир»⁴. Халқимиз-

¹ *Выготский Л.С. Собр. Сочинение в 6-ти т. — М.: Педагогика, 1983. — Т.3. — С. 41.*

² *Жуманова Б. Оила — тарбия мактаби. // Мулоқот. 2003. — № 2—3, 16—18-б., Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. — Т.: Ўзбекистон, 2000, 170—208-бетлар.*

³ *Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. — Т.: Ўзбекистон, 2000, 75—90-бетлар.*

⁴ *Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. — Т.: Ўзбекистон, 2000, 3-бет.*

нинг анъанавий оилавий қадриятлари — бу, биринчи навбатда, катталарга бўлган ҳурмат-эҳтиром, ўзаро кўмаклашиш, болалар тўғрисида ғамхўрликдир. Совет даврида бу қадриятларга ҳам путур етди. «Совет тузуми хусусий тадбиркорликни таъқиқлаб, «яқинларини қўллаш»га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий «ўрни» йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсиққа учради. Уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузуқ шакллари юзага кела бошлади»¹.

Мустақил Ўзбекистонда оила билан боғлиқ асосий қоидалар мамлакатимиз Конституциясида дарҳол мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: «Ота-оналар фарзандларини улар вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар»², — деб таъкидланган. Яъни фарзандлар учун, шу жумладан уларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун айнан ота-оналар масъулдирлар. Оиланинг катта ёшли аъзолари, энг аввало, ота-оналар ҳам мустақил Ўзбекистонда содир бўлаётган жараёнлардан хабардор бўлишлари, мамлакатимизнинг улуғворлигини улар ҳам англашлари, унинг учун ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини ҳис этишлари муҳим. Шундагина улар жамиятнинг тўлақонли аъзоларини тарбиялай оладилар, ўзларидаги тарихий онг ва тарихий хотирани фарзандларига сингдира оладилар.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т.: Ўзбекистон, 1997, 146—147-бетлар.

²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Т.:Ўзбекистон, 2003, 12-бет.

65-моддада: «Фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»¹, — деб таъкидланган. Болаларнинг қонун олдида тенглиги уларнинг таълим олиш, маданиятимиз ютуқларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига, Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги илғор ютуқлардан фойдаланишда, тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантиришда ҳам тенг имкониятларга эга бўлишини англатади. Бизнинг жамиятда оналарнинг ўрни доимо баланд бўлган, бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида бежиз таъкидланмаган. Бундан ташқари, давлат аёллар ва оналарнинг жамиятдаги ўрнига амалда доимо катта эътибор бериб келган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 66-моддасида: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар»², — дейилган. Жамиятимизда ота-оналар, катталар ҳақида ғамхўрлик қилиш энг олижаноб анъаналардан биридир. Бу анъана Асосий Қонунда вояга етган фарзандларнинг ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти тарзида қайд этилган.

Боланинг ўсиши ҳамда ривожланишига қараб ижтимоийлашувнинг бошқа агентлари ҳам ишга тушади. Боланинг тенгдошлари гуруҳи ёки тахминан ўзи билан барабар бўлган дўстларининг аҳамияти ортади. Болалар борган сари кўпроқ вақтини тенгдошлари билан ўтказа бошлайди.

Мактаб ижтимоийлашувнинг янги муҳим агенти-дир. Ўқув фанлари мажмуи болаларда тарихий онг ва тарихий хотирани фаол шакллантириш имконини беради. Бундан ташқари, таълимнинг норасмий дастур-

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. —Т.:Ўзбекистон, 2003, 13-бет.

²Ўша жойда, 13-бет.

лари ҳамда шароитларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Булар: ўқитувчиларнинг муносабати ҳамда интеллекти даражаси, тенгдошлар гуруҳларининг муносабатлари, ижтимоий шароитлардир. Мактаблар боланинг ривожланишини чеклаб қўювчи ижтимоий шароитни бартараф этишга кўмаклашади. Мактаб таълимининг бемалоллиги ва мажбурийлиги турли ижтимоий даражадаги болаларнинг имкониятларини тенглаштиради. Бунга турли мактабларда амал қилиб турган ижтимоий-иқтисодий шароитлар тўсқинлик қилиши мумкин. Бироқ «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мактабларнинг техник даражасини оширишга ҳамда юқори малакали педагог кадрларни шакллантиришга кўмаклашишга қаратилган. Бу ҳол таълим сифатини амалда ошириш ҳамда барчани реал имкониятлар билан таъминлаш имконини беради.

Ривожланишнинг ушбу босқичида тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантиришда тарихни ўрганишнинг аҳамияти катта. «Тарих фан сифатида алоҳида шахснинг ҳам, умуман жамиятнинг ҳам маънавий ривожланишининг ажралмас элементи ҳисобланади»¹. Тарих фан сифатида бир қатор функцияларни бажариши лозим, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

— мамлакат тарихини ва унинг ривожланиш тамойилларини ўрганишдан иборат бўлган билиш функцияси;

— дунёқараш билан боғлиқ функцияси. Тарихни ўрганиш кишининг дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатади, бинобарин, кишининг оламга ва ўзининг ундаги ўрнига қарашлари у ўрганаётган тарихнинг ҳаққонийлигига ёки бузилганлигига боғлиқ;

— жамиятни ривожланишда, ўзгаришда кузатиш, ҳозирги замонда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларнинг

¹История Узбекистана. // Под. ред. В.Л. Гентшке и др. —Т.: Университет, 2002. —С.4.

ўтмиш воқеалари билан нисбатини аниқлаш имкони-ни берадиган тафаккурнинг тарихийлигини шакллантириш функцияси;

— тарбиявий функцияси. Унинг аҳамияти бебаҳодир. Ўз мамлакатининг ҳақиқий тарихини ўрганиш ватанпарварлик, ўз халқига мансублигидан ифтихор туйғуси, Ватанига муҳаббат сингари фазилатларни тарбиялайди. «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда»¹;

— амалий-сиёсий функция. Тарихни, ўз ўтмишини билиш тарихий жараёнларни тушунишга асосланган объектив, босиқ қарорлар қабул қилиш, шунингдек, тарих мафкуравий кураш қуроли эканлигини унутмаган ҳолда жамиятнинг ривожланиш йўллари прогност қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, тарихнинг фан сифатида болаларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантиришдаги улкан ролини эътироф қилган ҳолда, ушбу жараёнларга улуғ аждодимиз Амир Темурга муносиб буюк давлат барпо этишни амалда таъминлашга қодир бўлган, ватанпарварлик кайфиятидаги, уйғун ривожланган ёшларни тарбиялаши лозим бўлган бошқа гуманитар фанлар ҳам таъсир этишини ҳисобга олмоқ даркор².

Гуманитар фанлар учун миллий истиқлол ғоясининг ўрни алоҳида бўлиб, у уйғун ривожланган шахсни янада фаол шакллантиришга, баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Бой маданий-тарихий меросимизни ҳисобга олмасдан, идрок этмасдан ва англамасдан туриб бу мақсадларга эришиб бўлмайди.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т.:Ўзбекистон, 1997, 140-бет.

²Қаранг: Халилов Э.Х. Правосознание в структуре общественной жизни. —Т.:Ўзбекистон, 1997. —С. 14—33; Абдуллаев М.А. Формирование общественного сознания учащейся молодежи в условиях рыночной экономики. —Т.: Билим, 1995. —С. 4—15.

Жумладан, бизнинг заминда мустақил давлат сўнгги ўн етти йил ичидагина мавжуд бўлмай, деярли уч минг йиллик тарихга эгаллигини боланинг онгига етказиш даркор. Келажаги буюк давлат қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Амир Темур сингари аجدодларимиз ишини давом эттирмоқда. Ватанимиз тарихида озодлик ҳамда мустақиллик учун кураш олиб борган Широқ ва Спитамен сингари кўплаб қаҳрамонлар ўтган. Марказий Осиёда давлатчилик мавжуд бўлган бутун давр мобайнида ўз мамлакатининг равнақи учун жон куйдирган кўплаб буюк ҳукмдорлар ўтган. Улар орасида Амир Темур ва Темурийлар алоҳида ўрин эгаллашади. Маданиятимиз Имом Бухорий, Термизий, Марғиноний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Юсуф Ҳамадоний, Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари диний ва дунёвий олимлар ҳамда ижодкорлар туфайли умуминсоний цивилизация ютуқларида кўзга кўринарли ўринни эгаллайди¹.

Миллий истиқлол ғояларининг муҳим қоидалари, шу жумладан буюк ўтмишимиздан ўз-ўзидан келиб чиқадиган мақсад — буюк давлат барпо этиш мазкур бағоят бой мерос асосида табиий равишда идрок этилади.

Жамият ва давлатнинг нормал ҳаёт фаолияти қоидаларини ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши ўқувчининг тарихий онг ва тарихий хотирани ривожлантиришнинг янги босқичига кўтариши, атроф олами, ўз халқининг ва ўзининг ундаги ўрнини монанд равишда баҳолаш малакасини шакллантириши, ҳозирги шароитларга мослаштириши лозим.

Бир асрдан зиёд вақт мобайнида бизга оламнинг, бизнинг ундаги ўрнимиз ва бизнинг тарихий ўтмиши-

¹Қаранг: Абдунабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. —Т.: Ўзбекистон, 1998. —С. 5—94; Саифназаров И., Нуритдинов Е. Великие ученые мыслители Центральной Азии периода Восточного Ренессанса. —Т.: ТГЭУ, 2005. —С. 4—49; Сангилов М. Корифеи философии Древнего Востока. —Т.:ТАИ, 2006. —С. 105.

мизнинг беўхшов манзараси тиқиштириб келинди. Мустақил давлатда тарихий онгни ва тарихий хотирани тиклаш жараёнлари, бунга давлатимиз раҳбариятининг ҳамда Ўзбекистон олимларининг эътибори катта бўлгани учун ҳам, ўз ўтмишини ўрганишга қизиқиш объектив равишда ортиб бораётган ўтиш даври бошдан кечирилаётгани учун ҳам, жуда жадал бормоқда. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов тўғри таъкидлаганидек: «Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп гоят муҳим саҳифалари, энг аввало, теурийлар даври, XIX аср охири — XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди»¹.

Тарих фани бўйича мактаб дарсликларини қайта ишлаб, буюк ўтмишимизни акс эттириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган»².

Адабиётларимизда тўғри таъкидланганидек, янги шароитларда «Ўзбекистон тарихини ўрганишда Республика Президенти И.А. Каримовнинг методологик аҳамиятга эга бўлган асарлари белгиловчи ўрин эгаллайди»³.

Ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани ривожлантириш давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон ёшлари ҳаётида ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртларининг роли катта. Бу жараён мактаб таълими босқичи, ривожланишнинг аввалги босқичида орттирилган савия билан жипс алоқада ҳамда ўзаро муносабатда олиб борилмоқда. 1997 йилда қабул қилинган ва муваффақиятли бажарилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» туфайли бундай босқичлилиқ

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997, 141-бет.

²Ўша жойда, 140-бет.

³История Узбекистана. // Под. ред. В.Л. Гентшке и др. — Т.: Университет, 2002. — С. 6-7.

ҳамда кўп даражалиликни таъминлашга эришилмоқда. Бу дастур қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасида таълим ва тарбиянинг бутун тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Олий ўқув юртларида тарихий онг ва тарихий хотирани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши зарур. Олий ўқув юртлари унда таълим олаётган ёшларга таъсир ўтказиши шубҳасиз. Олий малакали мутахассислар уйғун ривожланган шахсга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беришлари лозим. Улардан ўқитувчилар, яъни олган билимини кейинги авлодларга етказиши лозим бўлганлар, халқда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун алоҳида масъул бўлганлар шаклланишини ҳисобга олганда эса, олий ўқув юртлари олдида қўйилаётган юксак талабларнинг аҳамияти катта.

Давлатимиз «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» шарофати билан олий ўқув юртини тугатганларга, шу жумладан билимнинг тарих ва гуманитар соҳаларида ҳам, ўз малакасини ошириш имконини яратиб бермоқда. Буни мустақил равишда ҳам, аспирантура, докторантурада ўқитиш, тегишли илмий-тадқиқот ишларини бажариш воситасида касбий фаолият жараёнида ҳам амалга ошириш мумкин.

Орттирилган билим ва кўникмалар халқимиз маданияти хазинасига, эҳтимол, умуминсоний цивилизацияга ҳам ҳисса қўшиш имконини берибгина қолмай, ўз фарзандларимизни тарихий онг ва тарихий хотира борасида янада ривожланганроқ, янада ватанпарварроқ, халқ тақдири учун масъулият ҳис этадиган, буюк аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари қилиб тарбиялаш учун шароит ҳам яратади.

Ижтимоийлаштиришнинг яна бир агенти оммавий ахборот воситаларидир. Йигирманчи асрга келибгина бу шахсни шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида олға сурилди. Босма ва электрон омма-

вий ахборот воситаларининг ривожланиши, уларнинг фойдаланишга қулайлиги ва оммалашиб кетгани, кишилар мақсадлари ҳамда дунёқарашларига кучли таъсир кўрсата олиш қобилияти шубҳасиздир. Россиядаги 1996 йилги сайловолди кураши даврида, сайловларда ғолиб чиққан президентликка номзоднинг рейтинги бир неча ой мобайнида бир неча фоиздан ғалаба учун зарур бўлган кўпчилик овозгача ортиб кетганини ва сайловдан кейин ўтган бир неча ой ичида, аксинча, дастлабки рақамга тушиб қолганини эслашнинг ўзи кифоя.

Шу муносабат билан, ютуқларимизни, маданий меросимизни кишилар онгига етказишигина эмас, балки ёвуз кучларнинг тарихимизни, шу жумладан мустақиллигимиз даври тарихини бузиб кўрсатишга бўлган бузғунчилик интилишларига ҳам қарши туриши лозим бўлган журналистларни тайёрлаш даражасига ҳам алоҳида талаблар қўйиш даркор.

Бундай уринишлар яқин ўтмишда ҳам бўлган эди, ҳозир ҳам бўлиб турибди. 1980 йиллардаги машъум «Ўзбеклар иши»ни эслашнинг ўзи кифоя. «Ўтган йиллар мобайнида «босқинчи» Темур, «вайрон қилувчи» Темур ҳақида ўқиган ва эшитган вақтимизда неча бор ўзимизга ўзимиз: «Қандай қилиб унинг даврида заминимизда маданият ва иқтисодиёт бу қадар равнақ топган экан?» дея савол берар эдик. Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик»¹.

Инсон улғайгани сари ижтимоийлаштиришнинг бошқа агентлари ҳам ишга тушади. Уларнинг юзага келиши ҳамда аҳамияти шахснинг хусусиятларига ва ижтимоийлаштириш шароитига боғлиқ бўлади. Истисносиз барча маданиятларда, гарчи бу пайтга келиб бир-

¹Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т.:Ўзбекистон, 1997. 141-бет.

ламчи ижтимоийлашув бўлиб ўтган ва иккиламчи ижтимоийлашувга қадам қўйилган бўлсада, меҳнат¹ муҳим роль ўйнайди. Бизнинг жамиятда, кўрсатиб ўтилган ижтимоийлаштириш агентларидан ташқари, ижтимоий ҳаётнинг маҳалла сингари муҳим омилини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин².

Огир ларзали вазиятлар ва ижтимоий ҳаётда юз берадиган кескин ўзгаришлар таъсири остида шахс аксил ижтимоийлашув даврларини ҳам бошидан кечириши мумкин. Бу кўпроқ кишиларнинг ва айниқса, жамиятнинг энг нозик қисми — ёшларнинг тарихий онги ва тарихий хотираси билан боғлиқдир.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

— шахснинг дунёқарашини, шахсий ва ижтимоий онги, тарихий онгини ҳамда тарихий хотирасини шакллантириш ва ривожлантириш кишининг бутун умри давомида изчил босқичлар: болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуклик, кексалик бўйича ва муайян динамизм билан кечадиган узлуксиз жараёндир. Шунга мувофиқ равишда, ижтимоийлашув жараёнининг ажралмас қисми ва миллий онгнинг муҳим элементлари бўлган тарихий онгни ва тарихий хотирани ривожлантириш болаликда, ўсмирликда ва ёшликдагина эмас, балки етуклик чоғи ва кексаликда ҳам юз бераверади;

— тарихий онг ва тарихий хотиранинг шаклланиши гўдак ота-онасидан бошқа кўрсатмалар қаторида уларнинг ўз тарихини, ўзининг оламдаги ўрнини тушунишини қабул қилиб оладиган мактабгача бўлган ёшда, шунингдек, болада, эҳтимол, ота-онасиникидан фарқ қиладиган тарихий онг ва тарихий хотира анланган

¹Қаранг: Саитова Л., Файзуллаева С. К вопросу взаимосвязи культуры труда и духовного роста человека.// Общественные науки в Узбекистане. —Ташкент, 1997. —№ 1—2. —С. 36—37.

²Қаранг: Саидов А. Маҳалля — наш общий дом.// Общественное мнение. Права человека. —Ташкент, —2003. №1. —С. 11—12.

ҳолда шаклланадиган ҳамда ривожланадиган мактаб таълимини олиш даврида энг самарали равишда содир бўлади;

— жамиятдаги бўҳронлар даврида, ижтимоий тараққиёт йўлининг мафкуравий устувор жиҳатлари ўзгарадиган даврларда ўз тарихини, халқининг ундаги ўрнини қайта тушуниш жараёнлари кучаяди ва фаоллашади. Бунга, айниқса, ёшлар берилувчан бўлади, катта ёшлиларда тарихий онг ва тарихий хотира асосан шаклланган бўлса, ёшларда шахснинг тўлақонли мавжуд бўлишининг бу муҳим омиллари эндигина шаклланиш босқичида бўлади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ёшларда тарихий онг ва тарихий хотира муҳим марказий элементлари бўлган миллий онгни шакллантиришга республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда.

ХУЛОСА

«Тарихий онг» ва «тарихий хотира» тушунчаларининг моҳияти ҳамда мазмунини очиб бериш учун, биринчи навбатда, «онг», «ижтимоий онг» категорияларининг мазмуни ҳамда моҳиятини аниқ билиш даркор, чунки тарихий онг ва тарихий хотира ижтимоий онг шакллари ҳисобланади. «Онг» категориясининг келиб чиқиши, моҳияти ва мазмуни ҳозирга келиб ҳам етарлича ўрганилмаган, лекин фанга улар ҳақида кўп нарса маълум. Масалан, мия ўз-ўзича фикрламайди, балки инсон мия ёрдамида фикрлайди. Бунда инсон организмнинг бутун системаси ва биринчи навбатда, мия, марказий ва периферик нерв системалари, беш асосий сезги органлари инсон онгининг моддий негизи ҳисобланади. Онг — реалликни идеал тарзда инъикос эттириш ва акс эттиришнинг олий шаклидир.

Тарихий онг жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ва бутун инсоният ўтмиши тўғрисидаги тасаввурлари йиғиндисидир. Тарихий хотира — конкрет фактларга муайян тарзда йўналтирилган, ўтмиш ҳақидаги ахборотнинг алоҳида аҳамияти ва долзарблигини ҳозирги замон ва келажак билан жипс алоқада акс эттирувчи онг. Образли қилиб айтганда, хотира — ижтимоий онгнинг барча шаклларидаги, шу жумладан тарихий онгдаги энг долзарб фактлар сақловхонаси.

Ижтимоий онг шакллари бўлган тарихий онг ва тарихий хотира мазмунан бир-бирига мос келмайди: тарихий онг тарихий хотирага қараганда анча кенг тушунча. Хотира тизим ҳисобланадиган «онг» тушунча-

сида муҳим, марказий элементлардан бири бўлиб, «тарихий онг» тушунчасида, ўз навбатида, «тарихий хотира» муҳим марказий элемент ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда инсоният ўтмишини билишда «цивилизация» тушунчаси муҳим роль ўйнайди, тарихий онг ва тарихий хотира унинг муҳим элементларидир, яъни ўтмиш цивилизация соҳасида ҳозирги замоннинг таянчи, унинг долзарб асоси сифатида воқе бўлади.

Одамнинг шахс сифатида шаклланиши ва ривожланиши жараёнида инсон дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида бир қатор муҳим босқичлар, даражалардан, шу жумладан инсоннинг ҳам, жамиятнинг ҳам ривожланишида катта роль ўйнайдиган тарихий онг ва унинг муҳим, марказий элементи — тарихий хотиранинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари ва даражаларидан ўтади.

Миллий онг — ижтимоий онг шаклларида бири. Бу — кишилар ўзининг маълум этник гуруҳга мансублигини, ватан тарихини, аجدодлар қолдирган анъаналар, маросимлар, мерос ва амалий тажрибани, миллий манфаатларни умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур англаш, муайян муштарак ғоя ва мафкурага таяниб, ўз халқи ва ватанининг истиқлоли ҳамда истиқболи йўлида фидокорона хизмат қилиш, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиб, уларнинг ўзига хослиги ва манфаатларини ҳурмат қилишдир.

Миллий онг моҳияти жиҳатидан кенг тушунчадир: унинг таркибида кўп элементлар бўлиб, тарихий онг билан тарихий хотира ҳам шу элементлар қаторида муҳим ўрни тутати. Шу сабабли миллий онгнинг ёшлар дунёқарашига таъсир этиш имконияти катта. Миллий онг ўз таркибидаги тарихий онг ва тарихий хотира ёрдамида ёшлар дунёқарашига миллий тарих, миллий руҳият, миллий маънавият, миллий манфаатларни англаш, уларни қадрлаш, ҳимоя қилиш, бошқа миллатларга, уларнинг маданиятига, тарихига ҳолисона ёндашиш орқали ўзи билан боғлиқ фазилатларни киритади. Ёшлар дунёқарашини мустаҳкамланиши

ҳам, ўз навбатида, миллий онгнинг янада ўсишига таъсир этади.

Ҳозирги кунда ёшларда дунёқарашни шакллантириш эмас, балки уни миллий манфаатларни тарихий онг билан, тарихий хотира билан, миллий онг воситасида англаш билан чуқурроқ боғлаш зарурияти кучайиб бормоқда. Мустақил давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ғоявий-мафкуравий асослари мустақамланиб бораётган ҳозирги шароитда бу ишнинг аҳамияти каттадир. Ҳар бир фуқарога барча масалаларга мамлакат, миллат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашишни ҳам ўргатиш лозим. Бу ишлар ўқув юртларида, умуман барча ёшлар ўртасида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари тизимида муҳим ўрин тутиши керак. Зеро, мустақиллик шароитида таълим ва тарбия ўзининг миллий жиҳатларини янада кенгроқ намоён этмоқда.

Шахснинг дунёқарашини, шахсий ва ижтимоий онгини, тарихий онгини ҳамда тарихий хотирасини шакллантириш ва ривожлантириш кишининг бутун умри давомида изчил босқичлар: болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуклик, кексалик бўйича ва муайян динамизм билан кечадиган узлуксиз жараёндир. Шунга мувофиқ равишда, ижтимоийлашув жараёнининг ажралмас қисми ва миллий онгнинг муҳим элементлари бўлган тарихий онгни ва тарихий хотирани ривожлантириш болаликда, ўсмирликда ва ёшликдагина эмас, балки етуклик чоғида ва кексаликда ҳам давом этаверади.

Тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантириш гўдак ота-онасидан бошқа кўрсатмалар қаторида уларнинг ўз тарихини, ўзининг оламдаги ўрнини тушунишини қабул қилиб оладиган мактабгача бўлган ёшда, шунингдек, болада, эҳтимол, ота-онасиникидан фарқ қиладиган тарихий онг ва тарихий хотира англаган ҳолда шаклланадиган ҳамда ривожланадиган мактаб таълимини олиш даврида энг самарали равишда содир бўлади.

Жамиятдаги бўҳронлар даврида, ижтимоий тараққиёт йўлининг мафкуравий устувор жиҳатлари ўзгарадиган даврларда ўз тарихини, халқининг ундаги ўрнини қайта тушуниш жараёнлари кучаяди ва фаоллашади. Бунга, айниқса, ёшлар берилувчан бўлади, катта ёшлиларда тарихий онг ва тарихий хотира асосан шаклланган бўлса, ёшларда шахснинг тўлақонли мавжуд бўлишининг бу муҳим омиллари эндигина шаклланиш босқичида бўлади. Республикамизда шу ҳолатни ҳисобга олиб, ёшларда тарихий онг ва тарихий хотира марказий элементлари бўлган миллий онгни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик шароитида, Ўзбекистон жамияти ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида кўз олдимизда сифат ўзгаришлари содир бўлаётган шароитда республика раҳбарияти томонидан ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг таълим-тарбия каби муҳим омилларини жаҳон андозаларига жавоб берадиган, сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим тизимини ва кадрларни қайта тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялашни тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Фармонида қайд этилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури уч босқичда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биринчи босқич — 1997—2001 йиллар; иккинчи босқич — 2001—2005 йилларни ўз ичига олди. Учинчи босқич 2005 йилда бошланди. Улкан ишлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда ҳозирги кунга келиб ёш авлоднинг узлуксиз таълими ва тарбияси тизими: мактабгача таълим ва тарбия, мактаб таълими тизими, мактабдан ташқари таълим тизими, ўрта махсус таълим тизими, олий таълим тизими, малака ошириш муассасалари тизими, аспирантура, Олий аттестация комиссияси барқарор шаклланди.

Ёшларнинг таълими ва тарбияси соҳасида ўтказилган ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятли бажарилиб, тарихий онг ва тарихий хотирани, ҳар томонлама уйғун ривожланган, илмий дунёқарашга эга, мустақил фикрловчи, халқимизга ёт таъсирларга берилмайдиган шахсни, Ватанига муҳаббат руҳида тарбияланаётган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини унинг бугунги кунига айлантиришга қодир ёшларни шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бера бошлади.

Ҳозирги пайтда ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани, илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда ижтимоий воситалар, методлар ва шакллар ҳам катта роль ўйнамоқдаки, уларга ёшларни таълим ва тарбиянинг барча даражаларида мафкуравий тарбиялаш, оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, газета, журналлар, музейлар, турли ёшлар ташкилотлари, ватанимиз ва жаҳон илм-фани, маданияти, санъати ва спортнинг ривожланиши киради.

Ўзбекистон ёшларида тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг ижтимоий воситалари, шакл ва методлари бўйича чора-тадбирлар мажмуи аввалги йилларда бой берилган миллий қадр-қиммат туйғусини тиклашда, ўзбек давлатчилигининг тарихий сарчашмалари ҳамда унинг қарор топишини билишга юқори даражада қизиқиш уйғотишда, ор-номус, бурч ҳиссини, виждон, ҳаққонийлик, ёт мафкураларни қабул қилмаслик ва уларга танқидий муносабатда бўлишни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда кўмаклашади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Онг, тарихий онг, тарихий хотиранинг моҳияти, мазмуни, ижтимоий ва маънавий асослари	6
Тарихий онг ва тарихий хотиранинг миллий онг тизимидаги ўрни	29
Ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантириш босқичлари ва динамикаси	49
Хулоса	65

*Равшан Раҳмонов,
Фахриддин Файзиев*

**ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИДА
ТАРИХИЙ ОНГ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРА**

*Муҳаррир С. Мирзааҳмедова
Бадий муҳаррир Ҳ. Қутлуқов
Техник муҳаррир Т. Харитонова
Мусаҳҳиҳ Ш. Орипова
Компьютерда тайёрловчи Г. Қулназарова*

Босишга рухсат этилди 12.06.2008.
Қоғоз формати 84×108 ¹/₃₂. Таймс гарнитурда
офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 3,78.
Нашр табоғи 3,28. 3000 нусха. Буюртма № 08-117.
Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Раҳмонов Р.

Ёшлар дунёқараши шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира. —Тошкент: «O‘zbekiston», 2008. 72 бет.

И. Файзиев Ф.

ISBN-978-9943-01-264-6

ББК 87.77